

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

ОЛИМОВА ҚИЗЛАРХОН ТЎРА ҚИЗИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ
ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. Қ.М.Қўлдошев

Тошкент-2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
-------------------	----------

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУВУРТАЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

1.1. Тижорат банклари операцияларини суғурталаш тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар.....	9
1.2. Банк операцияларини суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	16
1.3. Хорижий давлатларнинг тижорат банклари операцияларини суғурталаш борасидаги тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари	30
1 боб бўйича хулоса.....	40

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУВУРТАЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Банкларнинг кредит операцияларини суғурталаш	41
2.2. Тижорат банкларининг инвестицион операцияларини суғурталаш.....	54
2.3. Банкларнинг валюта операцияларини суғурталаш	62
2 боб бўйича хулоса.....	70

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУВУРТАЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Тижорат банклари операцияларини суғурталаш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари.....	71
3.2. Банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўллари.....	77
ХУЛОСА	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	87

Кириш

Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Республикамизда мустақилликдан кейинги давр мобайнида бозор иқтисодиётига мос бўлган икки поғонали банк тизими вужудга келтирилди ва ушбу тизим ўз ривожини топиб, такомиллашиб бормоқда. Бизга маълумки, замонавий иқтисодий муҳит тижорат банклари фаолиятида мавжуд муаммоларнинг олдини олиб, мамлакатимизда банк ишининг самарадорлигини ошириш асосида халқаро банк амалиётига мос келувчи банк тизимини яратишни тақозо этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Республикамизда банлар фаолиятини жаҳон амалиётида қабул қилинган умумий тамойилларга мослаштириб боришга катта эътибор қаратилмоқда.

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банкларининг ликвидлигини ошириш ва уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш муҳим ва долзарб масала эканлигини таъкидлаб, юртбошимиз И.А.Каримов шундай фикр билдирган: “Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айти пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияга эга”.¹

Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодиётнинг “қон томирлари” бўлган банкларнинг барча операциялари бозор иқтисодиёти шароитида риск билан боғлиқдир. Айниқса бу кредит операцияларида яққол кўзга ташланади. Кредит операциялари жараёнида рискларни бошқаришнинг муҳим элементлари бўлиб, мукаммал ишлаб чиқилган кредит сиёсати ва кредитлаш жараёнини тўғри олиб бориш, сифатли кредит портфелини шакллантириш ва уни оқилона бошқариш бўлиб ҳисобланади.

¹ И.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” “Ўзбекистон” 2009

Шундай экан, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиш учун тижорат банкларида етарли ресурс маблағлари бўлишини, мавжуд маблағларни энг кам риск асосида жойлаштириб юқори даромад олишни кўзда тутди. Юқори даромад олиш учун бўладиган ҳаракатлар эса ўз навбатида банклар олиб борадиган операциаларнинг rischiлик даражасини оширади, чунки банклар асосан четдан жалб қилинган ресурслар билан ишлайди. Улар бир томондан ўз аксиядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган миждозлар олдида мажбуриятга эгадирлар. Шу сабабли тижорат банклари бошқа хўжалик субъектларига қараганда бир неча баробар юқори риск билан фаолият кўрсатадилар. Банк операциялари билан боғлиқ riskлар ва уларни баҳолаш усуллариини ўрганиб чиқиш, riskларни камайтириш йўллариини аниқлаш, уларни ҳал қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг жаҳон андозасига мос келувчи юқори ликвидликка эга бўлган банк сифатида имкон яратиб беришни асослаш каби муаммолар ўз ечимини кутаётган, бугунги куннинг долзарб муаммоларидир. Танланган мавзу мазкур муаммоларга йўналтирилган бўлиб, бу танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги замон адабиётларини ўрганиш бу борадаги тадқиқотларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда. Фикримизча, биринчи гуруҳ тадқиқотчилари асосан, суғуртанинг инсоният ҳаётидаги ва иқтисодиётни узлуксиз ривожланишидаги ўрнини таҳлил қилиб, қайсики мамлакат аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлиги билан узвий алоқадорликда эканлиги таҳлил қилинганларни шу гуруҳга киритиш мумкин. Бу йўналишда асосан ривожланган мамлакатлар АҚШ, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Франция, Италия, Испания сингари мамлакатлар тадқиқотчиларининг суғурта тарихи ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрнини кўрсатувчи тадқиқотларни келтириш

мумкин. Айни пайтда айрим иқтисодчилар дастлабки “Суғурта фондлари” милоддан анча олдин ҳукмронлик қилган Бобил подшоси Хаммурапи томонидан жорий қилинганлиги эътироф этишади.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари эса асосан суғурта бозори тараққиётининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда суғурта бозорини модернизация ва ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини бозор муносабатлари шароитида ва қонуниятлари асосида ўрганмоқдалар. Мамлакатимиз олимлари фақат мустақиллик туфайлигина ушбу масалада айрим илмий мақолалар чоп этишни бошладилар дейиш мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, мамлакатимизда 2002 йилдан тижорат банклари операцияларини суғурталаш амалиётини такомиллаштириш борасида бир қатор илмий мақола, рисоалар, ўқув қўлланмалари чоп этиш бошланди.

Президентимизнинг “Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли” китобида билдирилган қуйидаги фикрлари ишимизнинг илмий-назарий, социал-ҳуқуқий жиҳатдан методологик асоси бўлди дейиш ўринлидир. “Иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб беришга қаратилган бозор инфратузилмаси институтларининг ривожланиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ерда гап биринчи галда молия ва банк тузилмаларини, суғурта, консалтинг ва лизинг компанияларини ривожлантириш ҳақида бормоқда. Банк тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш нафақат банклар сонининг ортишига, шу билан бирга, хусусий банкларнинг ҳам кўпайишига туртки берди. Лекин, энг муҳими тижорат банкларининг барқарорлиги ва имкониятлари мустаҳкамланди”.²

Муаммонинг ўрганилганлик даражасини таҳлил қилиш жараёнида яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу мамлакатимиз

² И.А.Каримов биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Том-11.-Т.Ўзбекистон 2003 й.179-бет

суғурта бозорининг ривожланиш босқичлари истикболлари ҳақида таниқли иқтисодчи олимларимиз, хусусан Ўзбекистон Фандар Академиясининг академиги, профессор С.С.Ғуломов ўзининг бир қатор ишларида суғурта бозорини ривожлантириш мамлакатимизда кучли ижтимоий ҳимоя принципини амалга оширишнинг асосий базаси сифатида таҳлил қилган. Академик И.Искандаров эса ҳозирги давр банк тизимидаги суғурталаш операцияларини классификация қилишга қаратилган бир қатор муҳим фикрларни билдирган. Шунингдек, иқтисод фанлари докторлари профессорлар Ш.З.Абдуллаева, А.В.Вахобов, А.Каримов, Н.Хайдаров, Х.Шернаев, И.Очилов, Т.С.Маликов, Д.Р.Вахобов, А.Омонов, З.Сафарова, Қ.Қўлдошевларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Юқорида номлари зикр этилган олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари бизнинг магистрлик диссертациямиз учун ва унинг асосий йўналишларини белгилаб берган ҳолда айрим муаммолар уларнинг диққат эътиборидан хусусан, тижорат банклари операцияларини суғурталаш жараёни ҳамон очик мавзу сифатида қолаётганлиги билан белгиланади. Шу ўринда Россиялик олимлардан Р.Т.Йўлдошев, прф. В.С.Балабонов, Б.Н.Парфирьев, Н.Г.Адамчук, А.А.Панкратов, Х.Умаров, Ю.Т.Авледдиян ва бошқалар суғурта бозорини модернизация ва ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини махсус тадқиқот соҳаси сифатида, уларнинг айримлари эса Ўзбекистон мисолида ўрганаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Улар орасида Ўзбекистонда суғурта бозори ривожланишининг асосий тенденция ва институтлари тўғрисида бир қатор илмий-назарий ақолалари чоп этаётган Р.Т.Йўлдошев, Х.Умаровларнинг илмий ишларини келтириш мумкин.³

³ Қаранг Умаров Х.С. , Р.Т.Йўлдошев Перспективы развития взаимного страхования в Республике Узбекистан. Российский журнал «Страховое дело» 2013 номер1 С-40-43.

Тадқиқот мақсади бўлиб, тижорат банклари рискларини баҳолаш усулларининг амалий ҳолатини таҳлил этиш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тижорат банклари операцияларини суғурталаш тўғрисидаги илмий-назарий қарашларнинг моҳиятини очиқ бериш;
- банк операцияларини суғурталашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- хорижий давлатларнинг тижорат банклари операцияларини суғурталаш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида Республикамиз банк амалиётида ундан фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- банкларининг кредит опратсияларини суғурталашнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш;
- тижорат банкларининг инвестицион операцияларини суғурталаш ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш;
- банкларнинг валюта операцияларини суғурталаш бўйича амалий таклифлар бериш;
- тижорат банклари операцияларини суғурталаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларга аниқлик киритиш;
- мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва хусусан уларнинг рискларини баҳолашдир.

Тадқиқот предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари рискларини баҳолаш усуллари жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, нутқлари ва мақолаларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакат халқаро иқтисодий ислохотларини ривожлантиришга оид масалалари бўйича баён этган хулосаларидан муҳим манба сифатида фойдаланилди. Мазкур

тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

Илмий янгилиги тижорат банклари рисклари ва банк операцияларини суғурталашга доир илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясидан олинган хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тижорат банклари рискларини аниқлаб, уларни баҳолаш ва бошқариш, суғурталаш орқали банк амалиётида рискларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат бўлиб, ўз ичига 5 та жадвал, 1 та диаграммани олган ҳолда 88 бетлик ҳажмдаги матнни ташкил этган.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

1.1. Тижорат банклари операцияларини суғурталаш тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, банк тизими ролининг ошиб бориши, суғуртанинг мамлакат иқтисодиёти молиявий тизимидаги муҳим белгиларидан бири сифатидаги ролининг ўсиши учун объектив омил яратмоқда.

Банк бизнесида, рисклилиқ даражаси юқори бўлган бошқа фаолият турларидаги каби, рискларни бошқариш бўйича тўғри сиёсатни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Рискларни бошқариш тизими ўз имкониятларидан келиб чиқувчи ёки рискларни бошқа субъектларга ўтказишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Чунки банк ўзи самарали таъсир кўрсата олмайдиган ва ўз-ўзини суғурталаш учун катта ресурсларни жалб қилиш талаб этиладиган рискларни бошқага, аниқроғи суғуртага топшириши муаммони ҳал этишнинг самарали йўли ҳисобланади.

Суғурта иқтисодиёт молиявий секторининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, турли хилдаги рисклардан ҳимоялаш вазифасини ўтайди ва маълум бир вақтда ноаниқлик хатарини камайтириб, банк тизимининг барқарор ривожланишига кўмак беради.

Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий босқичида банклар ва суғурта компанияларининг ҳамкорлиги ижобий томонга ўзгаряпти. Бу ҳолат банк бизнесининг рисклилиқ даражаси юқори бўлган соҳаларга тегишли экани билан изоҳланади. Суғурта эса турли хатарлар ва кутилмаган вазиятлардан ҳимоялашнинг энг мақбул усули деб баҳоланмоқда. Банк фаолияти қарорлар қабул қилишда ҳисобга олиш шарт бўлган турли хатарларга тўла. Демак, банкнинг молиявий фаолияти

якунлари унинг рискларни бошқаришда тўғри сиёсатни танлай олишига боғлиқ.

Банк рискларини суғурталаш – узоқ йиллардан бери кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда самарали қўлланиб келинмоқда. Биринчи банк суғуртаси полиси АҚШда 1911 йилда берилган бўлиб, у банк капиталини катта йўқотишлардан ҳимоя қилган эди. Бугунги кунда Америка қўшма штатларида бир йил давомида 2 мингдан ортиқ суғурта полислари банк суғуртаси бўйича берилмоқда.

Ҳозирги даврда банклар фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб турлича бўлган оператсияларни бажарувчи универсал молиявий ташкилотларни ўзида намоён қилади. Биринчи даражали тоифага кирувчи чет эл банклари ўз миқозларига 300 дан ортиқ турли хил хизматларни кўрсатмоқда.

Банклар фаолиятининг энг қадимги операциялари бўлиб, пулларни сақлаб бериш бўйича оператсиялар ҳисобланади. Маълумки, энг қадимги давлатларда ҳам омонатларни қабул қилиш операциялари мавжуд бўлган. Илк бундай иш билан обрўга ва ишончга эга бўлган пулдор шахслар, Европа мамлакатларида черков муассасалари шуғулланганлар. Масалан, тарихан машҳур грек эҳромлари бир пайтнинг ўзида ўзига хос банк муассасалари бўлиб хизмат қилишган. Шу ўринда банкларнинг яна бир оператсияси, яъни пул айирбошлашга тўхталадиган бўлсак, Европани ёрқин мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўрта асрларда тангаларнинг ягона тизими мавжуд бўлмаган. Савдо турли мамлакатлар, шаҳарлар, ҳатто алоҳида шахсларнинг тангалари орқали олиб борилган. Барча тангалар турли вазн, шакл ва номиналга эга эдилар. Бу эса уларни айирбошлашга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарар эди. Пулни сақлаш ва айирбошлаш билан шуғулланувчи шахслар йиғилган бойликлар-пуллар самарасиз, ҳаракатсиз ётганини тушунишар ва агар мавжуд маблағларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бўлса ҳам вақтинчалик фойдаланишга берилса, сезиларли даражада фойда олиш мумкинлигини билишар эди. Шундай қилиб, асосида пулларни маълум

муддатга қайтариш ва фоиз тўлаш шартлари билан бериш ётган ссуда (кредит) опертасиялари пайдо бўлган. Бунда гаров сифатида уйлар, кемалар, қимматбаҳо буюмлар, чорва моллари, қуллар қабул қилинган. Бир банкир, аниқроғи пулни сақлаб берувчи хизматларидан бир-бири билан ўзаро ҳисоб-китоблар билан боғланган бир неча шахслар фойдаланиши мумкин бўлгани учун, аста секин миждозларга ҳисоб-китоб хизмати қўрсатиш опертасияларига эҳтиёж пайдо бўла бошлади.

Даставвал улар қуйидагича амалга оширилар эди. Ҳар бир омонатчи пулни сақлаб берувчида унинг исми ёзилган жадвал шаклидаги ўз ҳисоб варақасига эга бўлган. Бу жадвалда пулларнинг ҳаракати (кирим ёки чиқим) акс эттирилар эди. Бутун опертасияни пулни сақлаб берувчи-банк омонатчининг оғзаки ёки ёзма буйруғи билан амалга оширар эди. Бунда мос ўзгаришлар ўзаро ҳисоб-китобларда иштирок этувчи шахслар жадвалларига киритилар эди. Бу энг содда хизматлар нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг дастлабки шакллари ташкил қилган. Барча юқоридаги опертасиялар дастлаб алоҳида мавжуд бўлган ва кейинчалик улар биз банк деб номлашга одатланган бир хил ташкилотлар чегараларида бирлашганлар. Ғарбий Европада оддий айирбошлаш идораларидан банк уйларига ўтиш жараёни XVI-XVII асрларда рўй берди.

Узоқ йиллар давомида жамиятнинг ривожланиши ва унга мос товар-пул муносабатларининг ўсиб, такомиллашиб бориши банкларнинг опертасиялари ва қўрсатадиган хизматларининг қўлами кенгайиб боришига, жамият аъзоларининг пулга бўлган талабининг ошиб боришига олиб келган.

Давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатини мувофиқликда олиб бориш, давлат ва жамият аъзоларининг пул маблағларига бўлган талабларини қондирган ҳолда давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида банклар ўртасида улар бажарадиган функция ва опертасиялар қўлами тақсимлана борган, яъни давлат номидан, давлат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда

фаолият кўрсатувчи банклар ва алоҳида жамият аъзолари билан ишловчи банклар ёки юқоридаги икки йўналишни ҳам ўзида мужассамлаштирган банклар шакллана борган. Ҳозирда жаҳонда умум қабул қилинган тизим бўлиб, икки поғонали банк тизими хизмат қилади ва у давлат Марказий банки ва тижорат банклари тармоғини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, тарихий тараққиёт давомида банклар маблағларни йиғиш, сақлаб бериш, кредит-ҳисоб ва бошқа турли хил воситачилик операцияларини бажариб келганликлари сабаб, банклар кредит муассасаси бўлиб, фойда олиш мақсадида банк барча рискларни ўзига қабул қилган ҳолда оператсияларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосан “Банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган кўйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган, яъни:

-юримдик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвеститсиялаш учун фойдаланиш;

-тўловларни амалга ошириш билан шуғулланувчи юримдик шахсдир.

Демак, банк барча рискни ўз зиммасига олиб, юримдик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиб, банк ресурсларини ташкил қилган ҳолда, бу маблағларни муддатлилик, қайтариб беришлик, тўловлилик ва таъминланганлик шартлари асосида ўз номидан жойлаштиради ҳамда юримдик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоб ва воситачилик операцияларини олиб борувчи кредит муассасаси ҳисобланади.

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар юримдик ва жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатади.

Банк, бу шундай корхонаки, унда хом ашё бўлиб депозит ва кўйилмалар ҳисобланса, охирги товар, бу берилган ссудалардир. Депозит

ва қўйилмалар жалб қилинган қарз маблағлари, берилган ссудалар эса жойлаштирилган маблағлар бўлиб ҳисобланади.

Энди рискнинг туб моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак, «риск» сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб, «сув остидаги қоя» деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини ифода қилади. Таниқли луғатчи С.Н.Ожеговнинг рус тили луғатида «риск» бу «муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодиса, умид» деган маънони англатади дейилса, машҳур Вебстера луғатида рискга «хавф, зарар ёки талофат кўриш эҳтимоли» деб қаралган. В.Т.Севрук «риск - бу зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчамидир» деган таъриф беради.

Профессор В.М.Усоскин «Риск доимо ноаниқлик билан бирга келиб, охирги ўз навбатида олдиндан кўра билиш кийин ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади» деб изоҳлайди. Баъзи муаллифлар томонидан риск бу ноаниқлик деб таърифланади. Е.С.Стойнова «Риск - бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолидир» деб таъриф келтирган. П.Г.Грабовый, С.Н.Петрова, С.И.Полталсевларнинг «Риски в современном бизнесе» китобида «Риск - бу корхона ресурсларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад ола олмаслик, қўшимча харажатлар қилиш ҳавфидир», деб таъриф берганлар.

Юқорида келтирилган таърифларнинг барчасида риск қандайдир ҳавф-хатар ва зарарлар кўришдан иборат эканлиги тўғрисида фикр юритилган. Рискни таърифлаганда, уни зарар билан боғлиқ ҳавф-хатар, ноаниқлик дейиш риск тушунчасининг моҳиятини тўла ифода қила олмайди.

Юқоридагиларга ўхшаган таърифларни маҳаллий иқтисодчиларимизнинг ишларида ҳам учратиш мумкин. Ундан ташқари, охирги йилларда чоп қилинаётган кўпгина муаллифларнинг

ишларида «риск» сўзини ўзбекчага таржима қилишга ҳаракат қилинган. Натижада ҳозирги кунда турли муаллифлар томонидан «риск» термини турлича ном билан талқин қилинмоқда. Баъзи бир иқтисодчилар рискни «таваккалчилик» деб ифодасалар, бошқалари рискга «хато», «иккиланиш», «ноаниқлик», «мавҳумийлик» ва ҳоказолар деб таъриф бериш тўғрироқ деган хулоса қиладилар.

Ҳар бир фаолиятни амалга оширишда иккиланиш ёки хавф-хатар бўлиши мумкин. Лекин уларни риск мазмунида ифода қилиб бўлмайди. Хавф-хатар деганда биз олдиндан бирон салбий натижа берувчи, ёки бирон-бир салбийликка ёки зарар, талофатга олиб келувчи жараён мавжудлигини биламиз ва биз қўрқув, ҳадиксираш билан шу воқеликка ёндошамиз.

Банк рисклари тўғрисида иқтисодчи олимларнинг фикрлари хилма-хил бўлиб, улар бу тушунчанинг моҳиятини турлича талқин қилганлар. Бунинг сабаби шундаки, риск кенг маъноли, фаолиятнинг, жараёнларнинг турли босқичларида учраб турувчи кўп қиррали тушунчадир. Банк рискнинг моҳияти кўпгина маҳаллий иқтисодчилар томонидан масалан, «Кредит. 100 саволга – 100жавоб» китоби муаллифи Ё.Абдуллаев, «Кредит хавф-хатари» китоби муаллифи Т.Бобоқулов банк таваккалчилиги, «Иқтисодиёт назарияси» китоби муаллифи А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаевлар томонидан эса «банк хатари» деб юритилади. Банк фойда қўриши учун эса бу хатарни камайтириши лозим.

Бугунги кунда банклар ва суғурта компаниялари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор ва жаҳон иқтисодиётида пайдо бўлаётган янги тенденциялар бу ҳамкорликни ривожлантириш учун зарурат туғдирмоқда. Чунки кейинги 50 йилликда кўплаб мамлакатлар банк тизимининг кризисига учради ва бу уларни суғурта хизматларига бўлган қизиқишларини орттирди.

Иккинчидан, банклар фаолиятининг самарадорлиги мамлакадаги умумиқтисодий конъюнктурага, мамлакат ички ва ташқи молиявий бозорларидаги ўзгаришларга, қонунчиликка ва ҳукуматнинг сиёсатида боғлиқ. Мазкур соҳаларда доимий ўзгаришлар бўлиб туриши муқаррар, бу эса банклар учун турли кўринишдаги рискларни ҳосил қилади.

Учинчидан, ҳозирги ривожланган рақобат шароитида банклар барча имкониятларни ишга солиб бўлдилар, бундан кейинги имконият фақат бошқа имкониятлар, яъни бошқа соҳа субъектлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Банк рискларини бошқариш тизими қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган:

1. Банк операцияларининг даромадлилиги ва уларнинг rischiлик даражаси ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш.

2. Банк активларининг етарли даражадаги ликвидлигини фойда ҳажмининг ортиш ҳолатида сақлаб туриш. Банк активларининг ликвидлиги мижозларни нақд ёки нақдсиз пул массалари билан ўз вақтида таъминлай олиш имкониятидир.

3. Хусусий капиталнинг етарлилик нормасини таъминлаш. Банк фаолиятида хусусий капитал икки вазифани бажаради. Биринчидан, кредит маблағларининг катта қисми йўқотилган ҳолатларда омонатчиларга ўз вақтида маблағларини қайтариш учун, иккинчидан марказий банк томонидан хусусий капитал учун белгиланган нормаларни таъминлаб туриш учун.

Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг асосий усуллари сифатида мониторинг, банкнинг ички нормватив ва лимитларини белгилаш, диверсификация, хеджирлаш, рискларни тақсимлаш, ўз-ўзини суғурталаш ва суғурта.

Суғурта – банк рискларини нейтраллаштиришнинг ташқи манбаи. Банк рискларини суғурталаш суғурта компанияси томонидан банк

фаолияти билан боғлиқ рисклар юз берганда банкнинг мулкый манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

1.2. Банк операцияларини суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари

Юртбошимиз табири билан айтганда бугунги кунда “Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда бугунги кунда тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014-йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.”⁴

2015 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, республикамизда фаолият кўрсатиётган тижорат банклари сони 26 тани ташкил этиб, уларнинг учтаси давлат-тижорат банки, саккизтаси хусусий банк ва бештаси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг банкларнинг фаолиятига жуда катта эътибор берилиб, Республикамизнинг барча ҳудудларида тижорат банкларининг тармоқлари янада кенгайтирилди. 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига қарайдиган бўлсак мамлакатимизда банкларнинг филиаллари сони 846 тага етди.

Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Республикамизда қуйидаги етакчи банклари- Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асака” банк, “Ипотека-банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Агробанк”, “Ҳамкорбанк”, ва “

⁴ Ўзбекистон республикаси президенти Ислон Каримовнинг мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасидаги маърузаси

Ипак йўли”, банки бир йўла иккита етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтинг баҳоларини олган.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1501-сонли Қарори ва 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли Фармони ҳамда бошқа қарорларига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини янада ошириш, кредитлаш шартларини соддалаштириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш борасида қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Шу мақсадда ушбу соҳа учун тижорат банклари томонидан 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013-йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордагимикрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди. Умуман олганда, банк инфратузилмасининг тобора кенгайиб ва такомиллашиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг янада яхшиланишига ҳамда аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ошишига хизмат қилмоқда.

Пассивлар ва активлар бўйича мажбуриятларни бошқариш банкнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Заҳираларни жалб қилиш ёки уларни жойлаштириш – операцияларнинг ҳар иккаласи ҳам банк учун муҳим.

Чунки булар ўзаро боғлиқ, ўзаро шартланган иккита жараёндир. Уларни ратсионал ташкил қилиш юқори натижаларга эришиш имконини беради.

Одатда, банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган оператсиялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Пассив оператсиялар ёрдамида тижорат банкларининг пассив ва актив –пассив сче­тидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Пассив оператсиялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қилади.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд:

1. Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;
2. Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки ёки фондлар суммасини ошириш;
3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;
4. Депозит операцияларини амалга ошириш.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Юқорида келтирилган пассив оператсияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг ўз маблағлари юзага келади ва қолган охи­рги икки шаклида кредит ресурсларининг иккинчи қисми жалб қилинган ресурслар юзага келади.

Банкларнинг ўз маблағларига –банкнинг устав капитали, резерв капитали, махсус фондлар, моддий рағбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Амалиётда банк пассивларининг 20 фоизга яқини банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади.

Банкларнинг ўз маблағлари ичида асосий ўринни банкнинг ўз капитали эгаллайди. Банкнинг ўз капитали таркибига юқорида келтириб

ўтилган капиталнинг бир қисми, яъни устав капитал, рискларни қоплаш учун ташкил қилинган резерв фонд, тақсимланмаган фойда киради. Банкларнинг ўз капитали банк кредиторларининг манфаатини ҳимоя қилиш, банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш каби функцияларни бажаради.

Банкнинг устав капитали суммаси банк уставида кўрсатилади ва банк ишини бошлашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Банкларни ташкил қилишнинг шаклларига қараб банкнинг устав капитали ҳам ҳар хил ташкил топади. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида “Банкни устав фонди банк муассислари ва аксиядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади” деб кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда агар банк аксиядорлик жамияти тариқасида ташкил қилинадиган бўлса, устав капитали ёки фонди аксиялар чиқариш ва жойлаштириш орқали ташкил топади. Банкларнинг устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмайди.

Банкларнинг қимматли қоғозлар билан, фасторинг, лизинг ва бошқа оператсиялар билан шуғулланиши банк ресурсларининг таркиби нафақат пул маблағларидан, балки товар-моддий бойликларидан ва қимматли қоғозлардан ташкил топишига олиб келди. Жалб қилинган маблағлар банкнинг реал ва салоҳиятли ёки балансдан ташқари мажбуриятларини ташкил қилади. Реал мажбуриятлар банк балансида талаб қилингунга қадар депозитлар, муддатли депозитлар, жалб қилинган банклараро кредитлар сифатида акс эттирилса, балансдан ташқари мажбуриятлар банк томонидан бериладиган кафолатлар, мижозларга очилган кредит линияларида намоён бўлади.

Банкнинг эмитентлашган маблағлари. Банклар мижозлар маблағларидан етарли даражада узокроқ фойдаланишни амалга оширишдан манфаатдордирлар. Шу сабабли банклар облигатсия қарзлари, банк векселлари ва бошқаларни чиқариш йўли билан ўз ресурсларининг миқдорини кўпайтириб борадилар.

Жалб қилинган маблағларнинг яна бир тури –банк балансида турган ва уларни қайта сотиб олиш тўғрисидаги келишув асосида сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банкга жалб қилиш билан боғлиқ опертасиялар депозит операциялари дейилади. Депозит опертасияларини тижорат банлари ўзларининг депозит сиёсатлари асосида олиб борадилар.

Тижорат банкларининг нодепозит опертасиялари деб, тижорат банларининг йирик пул бозорларидан пул маблағларини жалб қилиш, қимматли қоғозлар, векселларни, облигатсиялар воситасини муомалага қўйиш йўли билан маблағларни жалб қилиш соҳасидаги опертасияларига айтилади.

Маълумки, тижорат банкларида рискларни минималлаштиришга риск стратегиясини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин. Банк рискинни бошқариш тизими рискнинг юзага келишини олдиндан хом-чўт қилиш, риск туфайли юзага келадиган салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ёки уларнинг таъсирини камайтириш борасида чора-тадбирлар, усуллар йиғиндисини ўз ичига олади. Банк рискинни бошқариш тизимининг объекти банклар фаолиятида юзага келувчи рисклар бўлса, унинг субъекти сифатида рискга ўз таъсирини ўтказувчи гуруҳ, банк бўлими ходими ёки менежери ҳисобланади.

Банк рискларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк фаолиятини чуқур билиш, банк бажарадиган опертасияларнинг самарадорлигини аниқлай билиш, банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолиятлари бўйича оптимал қарорлар қабул қилишга эришиш, миждозларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи, тармоқлар фаолиятининг хусусиятлари ва бошқаларни билиш лозим. Банкнинг рискларни бошқариш стратегияси банкнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, банкни ривожлантириш

истикболларини белгилаб бериш ва банк рискларини олдини олиб банклар фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёни тижорат банкларининг барқарор фаолият юритувчи тизимини яратишни кўзда тутди. Чунки тижорат банклари бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг барқарорлиги давлат аҳамиятига эгадир. Нобарқарор, тез ўзгариб турувчи бозор муносабатлари шароитида банклар ўз мижозлари, рақобатчилари томонидан бўладиган ҳаракатлар ва қонун ҳужжатлари ўзгариши билан боғлиқ турли хил натижалар ва уларнинг банк фаолиятига таъсирини инобатга олиб бориши лозим. Чунки бундай ўзгарувчан ҳолатлар банк фаолияти давомида юқори риск қилишга олиб келади.

Замонавий банк тизимини рисксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Банкнинг рисксиз оператсияси йўқ, унинг барча операциялари риск билан боғлиқ бўлиб, уларнинг даражаси оператсия турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Банк амалиётида рискни умуман йўқ қилиш мумкин эмаслиги боис, уни олдиндан кўра билиш, уни камайтириш чораларини кўриш лозим.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганидек, тижорат банклари фаолиятдан кўзланган натижа ҳам биринчи навбатда фойда олишдир. У эса албатта риск билан боғлиқ бўлади. Шу туфайли тижорат банклари олдида турган биринчи мақсад – бу риск ва фойдалилик ўртасидаги оптимал даражага эришишдир. Ўзбекистонда бозор муносабатлари тамойилларининг амал қилиши тижорат банкларидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ рискларни бошқа хўжалик субъектларига нисбатан кўпроқ ўрганишларини талаб этади. Чунки тижорат банклари ўз фаолиятлари билан бир томондан, ўз аксиядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз

маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.

Ривожланган мамлакатлар банкларига нисбатан МДХ давлатлари шу жумладан, республикамиз банклари фаолияти янада кўпроқ рискка эга бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби режали иқтисодиёт давридаги банк фаолиятини бугунги давр талабига жавоб берадиган ҳолда қайта ташкил этилмаганлиги ва янги турдаги банк операцияларини амалга оширишда этарли тажрибанинг йўқлиги банклар фаолиятидаги риск даражасининг янада ошишига олиб келмоқда. Шу туфайли банк rischi, унинг моҳияти, турлари, келиб чиқиши сабабларини чуқур ўрганиш амалиёт учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Банк rischi иқтисодий рискларнинг бир қисмини ташкил қилиб банк билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таянади.

Маблағларнинг кредитлаш тамойилига риоя қилинган ҳолда мижозларга берилиши, банклар ишининг маълум тамойиллар асосида ташкил қилиниши улар фаолиятининг турлари риск билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳол банк riskининг объективлигини ифодаласа, банк фаолиятига бошқа омилларнинг таъсири, уларнинг натижасини ҳисоблаш имкониятининг мавжудлиги ва бир турдаги riskнинг турли шароитда бўлиши, уни турлича қабул қилиш ва ҳисоблай олиш унинг юзага келишининг субъектив сабаблари ҳисобланади. Банк фаолиятида riskнинг юзага келиши баъзи бир салмоғи, таъсири, шакли жиҳатдан турлича бўлган ноаниқликлар билан боғлиқ бўлади. Чунки банк фаолияти ташқи муҳитга боғлиқ бўлиб, унга объектив иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ва улардаги бўладиган ўзгаришлар таъсир кўрсатади.

Банк фаолиятида рискларнинг юзага келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

-бозорни яхши ўрганмаслик;

-ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг этарли емаслиги;

-кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;

-тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;

-субъектлар ёки мижозларнинг онги, савияси, маблағлардан фойдаланиш бўйича билими ва мақсадларининг турли хиллиги ва бошқалар ҳисобланади.

Шу сабабли банк рискларининг иқтисодий категория сифатида таърифи унинг объектив ва субъектив сабаб ва оқибатларини ўзида ифода қилмоғи лозим. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, банк rischi банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад ололмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвеститсия, валюта) ўтказишдир, деган таъриф келиб чиқади. Бунда биринчидан, банкларнинг турли операциялари, ҳоҳ у ресурслар жалб қилиш билан боғлиқ оператсия бўлсин, ҳоҳ у маблағларни инвеститсия қилиш ёки кредит бериш, юқори даромад олиш мақсадида ҳавфли валюта операцияларини ўтказиш бўлсин – банкнинг барча операциялари унинг маълум бир йўқотишлар билан боғлиқ шароитда эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Банк фаолиятининг риск билан боғлиқ бўлиши ҳаражатлар, зарарлар ва йўқотишлар каби категорияларнинг доимий учраб туришини ва улар банк амалиётининг кунлик мониторингида бўлишини тақозо қилади. Банкларда ҳаражатлар, зарар ёки йўқотишлар -булар ўз-ўзидан риск ҳисобланмайди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг мохиятига ега.т Банкнинг депозитлар, жамғармалар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз тўлаш, бошқа молия-кредит институтларидан жалб қилинган маблағлар учун фоизлар

тўлаш, банк ходимлари учун иш ҳақи тўлаш ва бошқа оператсион харажатлари билан боғлиқ рисклари қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: бозор иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар аҳоли жамғармалари бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини оширишда, кредит ресурсларининг этарли эмаслиги, кредит ресурсларини сотиб олиш қийматининг ошиши, банк ходимларининг иш ҳақи билан боғлиқ харажатларини ошириш кабиларда ўз ифодасини топади. Банк харажатларининг меъёрдан ошиши, даромад ола олмаслиги банкга зарар олиб келади. Банкнинг зарар кўриши банк фаолиятида учрайдиган рискларнинг олдини ололмаслик, ундан қоча олмаслик натижасида юзага келади.

Банк фаолиятида рисклар келажакда амалга ошириладиган операцияларни олдиндан обдан таҳлил қилмаслик, ҳолатни яхши ўрганмаслик, маблағларни самарали жойлаштирмаслик, бозор имкониятларига тўғри баҳо бермаслик, банк фаолияти учун салбий натижаларга олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларни олдиндан сеза олмаслик туфайли юзага келиши мумкин. Зарарларнинг юқори бўлиши банкларда йўқотишлар бўлишига олиб келади. Йўқотишлар эса банк фойдасини камайтирувчи омил ҳисобланиб, у банк фаолиятининг рисклилиқ даражасига боғлиқ бўлади.

Рискнинг ҳажми банк амалга оширадиган операцияларининг рисклилиқ даражасига, банкнинг риск соҳасидаги стратегияси сифатига боғлиқ бўлади. Банк раҳбариятининг фойдани кўпайтиришга интилиши эҳтимолий зарарларни имкон қадар камайтириш билан бирга кечади. Ушбу икки мақсад бир-бирига муайян даражада зид бўлиб, бу банк маъмурияти ва унинг омонатчилари манфаатларининг қарама-қаршилиги билан боғлиқдир. Банк маъмурияти фойдани кўпайтиришга интилади ва қўшимча фойда олиш учун риск қилишга тайёр туради. Омонатчи учун эса маблағларининг сақланиши ва банкга ишонч масаласи муҳимроқдир. Даромадлилиқ ва риск ўртасидаги мақбул

нисбатни сақлаб туриш банкни бошқаришнинг энг асосий ва мураккаб муаммоларидан биридир.

Банк рискларини бошқаришни самарали ташкил этиш уларни муайян белгилари буйича аниқ гуруҳларга бўлиш билан боғлиқ. Рискларнинг илмий асосланган таснифи уларни ҳар бирининг умумий тизимдаги ўрнини белгилаш, уларни бошқаришнинг самарали усуллари кўллаш имконини беради. Риск турлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар банклар фаолиятига турли даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳолат рискларнинг оддини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва рискнинг аниқ бир турларини таҳлил қилиш, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлашни қийинлаштиради.

Банк фаолияти натижаларига таъсир этиш даражасига кўра банк рискларини паст, ўртача ва тўлиқ рискларга бўлиш мумкин. Банк рискининг даражаси банк йўқотишларига олиб боровчи воқеалар эҳтимоли билан характерланади. Улар фоизларда ёки муайян коеффитсиентларда ифодаланади.

Чет эл тижорат банклари, жумладан, Британия банклари рискларни 5 тоифага ажратади. Булар:

1. А тоифа – кичик ёки нол риск.
2. Б тоифа – оддий риск.
3. В тоифа – ошган риск.
4. Г тоифа – катта ёки юқори риск.
5. Д тоифа – номақбул риск.

Бизда риск тоифаларининг даражаланиши банк активларини риск даражасини ҳисобга олган ҳолда гуруҳлаш кўринишида намоён бўлади.

Вужудга келиш шаклларига кўра банк рисклари: тизимли ёки тизимсиз рискларга бўлинади. Тизимли рисклар – банк тизимидаги умумий вазият натижасида банкнинг молиявий аҳволи ўзгариши эҳтимоли сифатида таърифланади. Тизимсиз ёки номунтазам рисклар – банк тизимида умумий аҳвол барқарор сақланган ҳолда алоҳида

олинган банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашиш эҳтимолини билдиради. Банк рискининг бу турлари одатда бир-бири билан жуда боғлиқ бўлганлиги учун амалиётда бу турдаги рискларни бирбиридан ажратиш жуда қийин.

Вужудга келиш сабабларига кўра рисклар: соф ва сунъий рискларга бўлинади. Соф рисклар – кўпинча объектив хусусиятга эга бўлади ва салбий («0») натижага эришиш эҳтимолини билдиради. Бу рискларга табиий, экологик, транспорт рисклари, тижорат рискининг бир қисми киради. Чайқовчилик рисклари иқтисодий фаолият, жумладан банк фаолияти билан бевосита боғлиқдир. У ижобий ёки салбий натижага эришиш имкониятида намоён бўлади. Бу рискларга пайдо бўлиш сабабларига қараб табиий, экологик, сиёсий ва бошқа категориялар воситасида юзага келувчи молиявий рисклар киради.

Таъсир вақтига кўра рискларни: ретроспектив, жорий ёки истиқболдаги рискларга ажратиш мумкин. Ретроспектив рисклар – банк фаолиятининг ўтган даврдаги турли рискларга боғлиқлигини ифодалайди ва жорий ҳамда истиқболдаги рискларни баҳолашга ёрдам беради.

Бошқариш усули буйича банк рисклари: очик ва ёпиқ бўлади. Очик рискларни – тартибга солиб бўлмайди. Ёпиқ рискларни – эса бошқариш мумкин. Ёпиқ рисклар диверсификатсия сиёсатини ўтказиш йўли билан тартибга солинади. Яъни бунда банк операциялари умумий ҳажмини сақлаш мақсадида бир неча мижозларга берилган кредитларни кичик суммаларда кенг миқёсда тақсимлаш ёки йирик кредитларни консорсионал асосда бериш; депозит сертификатларини жорий қилиш, қайта ҳисобга олиш операцияларини кенгайтириш, кредит ва депозитларни суғурталаш амалга оширилади.

Банкларда кўпинча мижоз танлашга номуносиб ёндашув натижасида баланслашмаган ликвидлилик rischi пайдо бўлиб, у

беқарор иқтисодий вазиятдаги ташкилотларни кредитлашга устунлик берилганда келиб чиқади.

Бугунги кунда молия бозорининг банк сегментида ҳам, суғурта сегментида ҳам тез ривожланиб бораётган ритейл (чакана хизматлар) соҳасига нисбатан олганда, банк ва суғурта бизнеси бир-бирига туташ соҳалардир. Шу нуқтаи назардан қайд этиш керакки, банклар ва суғурта компаниялари ўзаро ҳамкорлик қилиб, янги маҳсулот ва хизматлар яратиб, фақат ўз бизнеслари эмас, шу билан бирга давлат иқтисодиётининг бутун молия сектори ҳам ривожланишига ёрдам бермоқдалар. Ҳозирда оммавий миқдорда банклар ва суғурта компанияларининг шерикчилик асосида хизмат кўрсатиш имконияти ҳаммадан кўп бўлиб, улар бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик шерикчиликнинг ҳозирги ривожланиш тамойилларини кўздан кечириш катта қизиқиш уйғотади.

Мамлакат банк тизими ва молия бозорининг суғурта сегменти ривожланган, иқтисодиётнинг бу соҳаларида рақобат кучайиб борган, қайта молиялаш ставкаси пасайган сари, шунингдек, бошқа объектив омиллар, масалан, иқтисодиётнинг банк ва суғурта секторига чет элдан йирик ўйинчилар кириб келиши таъсирида бу секторларда амалга ошириладиган операциялар келтирадиган фойда камайиб боради. Кичик ва ўрта бизнесни, жисмоний шахсларни кредитлаш дастурлари доирасида миқдорларга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришнинг самарали йўлларидан бири, банк билан суғурта компанияси ўртасидаги ҳамкорликнинг янги технологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Бундай технологияларга қуйидагилар асос бўлади:

- суғурта ҳужжатларини расмийлаштиришни соддалаштириш;
- электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш;
- коллектив суғурталаш схемаларини жорий этиш;
- суғуртачилар билан банкларнинг умумий бренд бўйича маҳсулотлар яратиши.

Умуман олганда, ҳозир банклар таклиф қилаётган кредит маҳсулотларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ипотекани кредитлаш;
- чакана кредитлаш;
- зарур эҳтиёжлар учун кредит бериш;
- кредит карталарини қўллаш;
- иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналарни, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш.

Ипотекада кредитга олинган турар жойни банк томонидан гаровга олишнинг ўзиёқ, банк маҳсулотларини ҳимоялайди. Қарздор қарзини тўламай қўйган ҳар қандай ҳолларда, шу жумладан, ҳалок бўлиши ёки ногирон бўлиб қолиши туфайли тўламай қолган ҳолларда ҳам, банк турар жойни сотиши мумкин. Лекин, агар бу турар жойда қарздордан ташқари, унинг ёш болалари ҳам яшаса ва уларни қўчириш учун жой бўлмаса, суғурталаш аслида мушкул вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир чораси бўлади.

Банк томонидан ипотека кредити берилаётган вақтида қарз олувчидан суғурта полиси сотиб олишни талаб қилинади.

Ипотекани кредитлаш чоғида қарз олувчи, қоида тариқасида, учта суғурта шартномаси: мол-мулкни суғурталаш, ҳаёт ва соғлиқни суғурталаш ҳамда эгалик ҳуқуқини йўқотиш хатарини суғурталаш (бу титулни суғурталаш деб аталади) шартномасини тузиш керак. Камдан-кам ҳолларда банклар миждоздан учинчи шахслар, масалан, қўшнилар олдидаги фуқаролик масъулиятини суғурталашни талаб қиладилар. Мол-мулкни суғурталаш шартномаси квартирани ёнғиндан, газ портлашидан, сув босиши ва бошқа кутилмаган ҳодисалардан ҳимоя қилинишини таъминлайди. Шундай ҳолатларда суғурта компанияси кредитни тўлашни ўз зиммасига олади. Кредит олувчининг ҳаёти ва меҳнат қобилиятини суғурталаш полиси фақат қарздорнинг эмас, балки кредит берган банкнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилади. Масалан, агар миждоз бирон-бир сабаб

билан қарзни уза олмаса, суғурталовчи кредитнинг тўланишини кафолатлайди. Титул суғурталаш шартномаси квартира эгасининг ҳуқуқларини унга бўлган эгалик ҳуқуқини йўқотиш хавфидан ҳимоя қилади. Масалан, агар олди-сотди битимини расмийлаштириш вақтида хатога йўл қўйилган бўлса ва шунинг оқибатида битим ҳақиқий эмас, деб топилса, суғурталовчи қўлдан кетган квартиранинг баҳосини тўлайди.

Шу билан бирга, ипотекани кредитлаш чоғида суғурта баҳосини арзонлаштириш мақсадида, суғурталовчилар томонидан ипотека кредити бўйича қарз олувчи учун махсус махсулот – умумий суғурта полиси ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, суғурта компанияси тарифларни ҳисоблаб чиқиш вақтида қарз олувчининг саломатлиги қандай эканлиги, унинг ёши ва турмуш тарзини, шунингдек, агар иккиламчи турар-жой сотиб олинаётган бўлса, квартира устида амалга оширилган олди-сотди битимлари сонини (титулни суғурталашда) ҳисобга олади. Масалан, агар инсонда маълум касалликлар бўлса, тарифга оширувчи коэффициент қўлланилади. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати кредит шартномасининг муддатига мос бўлади. Қарз олувчи кредитни қайтариб бўлиши биланок, суғурта шартномасининг амал қилиши тўхтайдди. Бунда кредитни тўлаш жадвалини – ҳар ойда, ҳар чоракда ёки ярим йилда бир марта – қарз олувчининг ўзи танлайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ипотекани кредитлашда хатарлар умумий шартнома воситасида суғурталаниб, бу шартнома оддий ҳолларда учта хатар гуруҳини ўз ичига олади. Булар кўчмас мулк (гаров) объектини суғурталаш, қарз олувчининг ҳаётини суғурталаш, турар – жой иккиламчи бозордан сотиб олинганда титулни ёки мулкка эгалик ҳуқуқини йўқотиш хатарини суғурталашдир.

1.3. Хорижий давлатларнинг тижорат банклари операцияларини суғурталаш борасидаги тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари

Бугунги кунда тижорат банклари операцияларини суғурталаш масаласини такомиллаштириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Негаки ҳамон давом этаётган глобал инқирознинг барча хавф-хатар ва оқибатларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш алоҳида принципиал аҳамият касб этади. Бу долзарб, принципиал аҳамиятга молик бўлган муаммони ҳал этишда ривожланган хорижий давлатларнинг тижорат банклари операцияларини суғурталаш борасидаги тажрибаларини ўрганиш, унинг бизга мақбул бўладиган томонларини ўзлаштирган ҳолда Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятларини таҳлил этиш зарур. Фикримизча , ушбу муаммо зарурати бир қатор объектив ҳолатлар ва субъектив қарашлардаги айрим баҳс-мунозаралар билан боғлиқ.

Биринчидан, тижорат банклар фаолиятини ўрганиш, уни таҳлил этишда, кўпроқ банклар бўйича мутахассис, тадқиқотчилар “банк ликвидлиги”, “банкнинг тўлов қобилияти”, “банк капитали етарлилиги”, “банкнинг рискли активлари”, “банк рентабеллиги” ҳақида фикр юритадилар.

Иккинчидан, тижорат банклари операцияларини суғурталашда хорижий ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари ҳанузгача бирон-бир махсус тадқиқот объектига айланмаган. Мавжудлари ҳам журнал мақолалари ёки конференциялардаги тезислар тўпламидаги 2-3 бетли тор доирадаги қарашлар билан чекланган дейиш мумкин. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса, “суғурта бозори”, “суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш”, “суғурта баҳосини аниқлаш методлари” ва бошқалар ҳақида салмоқли илмий ишларни амалга оширишмоқдалар. Шу ўринда тан олиб айтиш лозимки, фақат 2012-2014 йиллардаги жаҳон суғурта бозорининг ривожланиш ҳолати ва тенденциялари “актуар ҳисоб-

китобларни такомиллаштириш масалалари” “суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти ҳисобини такомиллаштириш” ва бошқа муаммоларга диққат-эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки, тижорат банклари фойдасини солиққа тортиш хусусиятлари бугунги кунда энг кўп ўрганилаётган бир пайтда, тижорат банклари операцияларини суғурталаш борасидаги хориж тажрибаларини ўрганиш тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда. Албатта, суғурта - бу кўп қиррали тушунча бўлиб, унинг фақат битта йўналиши яъни тижорат банклари операцияларини суғурталашда хорижий ривожланган давлатлар тажрибасидан Ўзбекистон банк тизими амалиётида фойдаланиш масалалари, имкониятлари биргина илмий мақолада тўлиқ ёритиш, таҳлил қилиш анча мураккаб. Зеро, иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг молия-кредит тизимида суғурта компаниялари энг муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади.

Энг муҳими қайси давлатда ишлаб чиқаришнинг мутассил ривожланиши, барқарор иқтисодий ўсиш даражасига эришаётган мамлакатлар аҳолиси фаровон ҳаёт кечириши суғурта фаолиятининг тараққий этишига замин яратади. Бунинг ёрқин мисолини бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) мисолида таҳлил қиламиз.

Статистик маълумотларга кўра 2013 йилда Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 8,5 фоизини суғурта мукофотлари ташкил этган. Бу кўрсаткич Германия, Канада, Италия каби тараққий этган мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичидан сезиларли даражада юқоридир.⁵

Хорижий давлатларнинг тижорат банклари операцияларини суғурталаш борасидаги тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланишда АҚШ даги суғурта компаниялари фаолиятини ўрганиш лозим. Негаки 2012 йилда АҚШ да йиғиб олинган суғурта мукофотларининг аҳоли жон бошига тақсимлаганда, бир

⁵ //Страховое дело. 2014 г. май, с 6

нафар АҚШ фуқароси ва ўзига қарашли мол-мулкларини суғурталашга бир йилда 2875 АҚШ доллари сарфлаган. Юқорида кўрсатилган маблағнинг 1504 доллари умумий суғуртага, 1476 АҚШ доллари эса ҳаёт суғуртасига тўғри келади. Албатта, бундай ҳолатни МДХ давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Биргина Россия Федерациясида шахсни ихтиёрий суғурталаш борасида бадалларнинг мукофотлари ортиб бормоқда. Агарда 2006 йилда суғурта мукофотлари 27,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 35,8 фоизга кўпайган.⁶ Шу ўринда Россия тижорат банклари операцияларини суғурталашда ихтиёрий суғурта ўз ўрни ва позициясини мажбурий суғуртага бўшатиб бермоқда. Россиялик тадқиқотчилар Дрошнев В.В, Дрошнев М.Д ва Косьмин И.Ф ларнинг ҳисоб-китобларига кўра, агарда 2006 йилда ихтиёрий суғурталаш умумий суғурталашнинг 35 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2010-2012 йилларда 43 фоизни ташкил этган. 2012 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 2 баробарга ошгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Қуйидаги жадвалларда Россия Федерациясидаги бу кўрсаткичлар динамикаси келтирилган (1.1 ва 1.2 жадваллар). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Россия федерациясида тўпланган жами суғурта мукофотлари ичида ихтиёрий суғурта мукофотларининг ҳиссаси 2006 йилдаги 55 фоиздан 2012 йилда 82 фоизга етган. Бу ушбу мамлакатда ихтиёрий суғурта турларининг асосий ҳажмни ташкил этаётганлигидан далолат беради. Жами суғурта мукофотларида шахсий суғуртанинг ҳиссаси ҳам кўпгина мамлакатларга нисбатан катта эканлиги ва бу йилдан-йилга ошиб, 2012 йилда 35.8 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Бу ХХІ аср сўнгги 15 йили мобайнида дунёнинг ривожланган етакчи мамлакатлари хусусан, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Германия каби давлатларда бу соҳада жуда кўплаб ўрганишга лойиқ лойиҳаларнинг таҳлили бари-бир бу соҳада АҚШ етакчилик қилишда давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида 2010 йилда Америка Қўшма Штатлари Канада билан биргаликда бутун дунёда йиғиб

⁶ Статистические данные по итогам деятельности страховщиков за 2012 год. Страховое дело. 2014 май, с 6.

олинадиган суғурта мукофотларининг қарийб 33,5 фоизини тўплаганлар. Уларнинг деярли 30 фоизи АҚШ банклари орқали амалга оширилган.⁷

1.1-жадвал⁸

**2006-2012 йилларда Россия федерациясида жами суғурта мукофотларида
ихтиёрий суғурта мукофотларининг ҳиссаси, % да**

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Жами суғурта мукофотларида ихтиёрий суғурта мукофотларининг ҳиссаси	55	52	49	42	43	43	82

1.2-жадвал⁹

**2006-2012 йилларда Россия федерациясида жами суғурта мукофотларида
шахсий суғурта мукофотларининг ҳиссаси, % да**

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Жами суғурта мукофотларида шахсий суғурта мукофотларининг ҳиссаси	27,7	28,0	27,4	28,2	31,2	32,5	35,8

⁷ Бугхева С. Совершенствования регулирования деятельности страховых посредников. Европейский опыт и российская действительность. Страховое дело. 2014 май, с 3-21.

⁸ //Страховое дело 2013 г. май

⁹ //Страховое дело 2013 г. май

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда республикамиз тижорат банклари юқоридаги тажрибалардан фойдаланишлари муайян вақтни талаб қилади. Чунки барча МДХ давлатларидаги каби бизнинг республикамизда ҳам суғурта фаолияти янги давр талабларига мувофиқ қайта ташкиллаштирилмоқда ва у янги ўзлаштирилаётган соҳалар қаторига кирмоқда.

Кўпгина давлатларда молиявий-иқтисодий инқирозга қарши чораларнинг сусайтирилганлиги, банкларнинг молиявий ва қарз мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлашда молиявий аҳволнинг заифлиги сабабли, улар фаолиятида ноликвидлик юзага келмоқда. Шу туфайли, давлат тижорат банклари ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини баҳолаш методларини такомиллаштириш ва мониторинг юритишга жиддий эътибор қаратиш зарурияти юзага келди.

Бугунги кунда халқаро амалиётда тижорат банклари фаолиятини баҳолашда асосий методлардан бири сифатида САМЕЛ рейтинг тизими қўлланилмоқда. Бу тизим 1978 йили АҚШдаги «Шешунофф Банк»нинг ўз фаолиятини етти гуруҳ асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш методологиясига асосланади: ривожланиш, фаолиятни муайян гуруҳга киритиш, ишончлилиكنи ошириш, муаммоли кредит ва тенденциялар, бошқа манбаларга нисбатан умумий фойдалилик, беқарор мажбуриятлар бўйича банк имкониятларини назарда тутати. Буларнинг барчаси муҳим, деб тан олинди, бош ҳарфлари бирлаштирилди ҳамда бу атама САМЕЛ деб юритила бошланди. Баҳолаш методологиясига кўра бешта таркибий қисм аниқлангандан сўнг, банкнинг якуний ҳамда умумий рейтингини белгилаш имкони яратилди.

1979 йилдан бошлаб эса, АҚШ Федерал захира тизими, Депозитларни суғурталаш Федерал корпорацияси ва Пул муомаласи корпорациялари каби назорат органлари ушбу тизимдан самарали фойдалана бошлади. Айни пайтда стандартлашган мазкур рейтинг тизими кўпгина мамлакатлар банкларига татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда мазкур

метод такомиллашиб бориши натижасида САМЕЛ тизими кўринишини олди, яъни:

C-capital adekuaci, ёки капитал етарлилиги. Бу компонент кредиторлар билан омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиши, банк капиталидан самарали фойдаланиш ва банк капиталининг етарлилигини аниқлайди.

A-asset kualiti, ёки активлар сифати. Бу компонент активларнинг қайтиш даражасини ва муаммоли қарзларга молиявий таъсир кўрсатиш даражасини баҳолаб беради.

M-managemeni, ёки бошқариш сифати. Бу компонент назорат тизимида қабул қилинган қонунлар, йўриқномалар ва фаолият натижаларини баҳолаш асосида банк менежментининг сифатини аниқлаб беради.

E-eagningcs, ёки даромадлилик. Бу компонент банк самарадорлигини баҳолайди, келгусида унинг ривожланиши учун фойданинг етарлилигини аниқлаб беради.

L-likuiditi, ёки ликвидлик. Бу компонент банк мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажариши учун ликвидликнинг етарлилигини аниқлаб беради.

C-cencitiviti tu market риск - бозор rischiга таъсирчанлик. Бу компонент банк даромадлилиги ва капиталига бозор riskининг таъсир кўрсатиш даражасини баҳолаб беради.

Ушбу кўрсаткичлар америкача рейтинг тизими ёрдамида баҳоланади. Яъни, баҳолаш масофадан туриб банк назорати агентлигига кирим қилинган ҳужжатларга асосан амалга оширилади. Назорат органлари вазиятни тўғри тушуниши ва баҳолаши учун банкнинг дастлабки ахборотидан фойдаланади. Банкка доир барча ички ахборотлар инспекция текшируви жараёнида ўрганилади. Миқдорий баҳолашларга экспертнинг фикри ҳисобга олингандан сўнг тузатиш киритилади.

Банк назоратчилари дастлабки босқичда ўз эътиборини банкнинг фундаменти сифатида банк капиталини баҳолашга қаратади. Чунки капитали кўп бўлса-ю самарали бошқарилмаса, у зарарга ишлаши мумкин. Агар ликвидлик ва тўлов қобилияти мустаҳкамланмаса, омонатчилар депозит ҳикоб варақларидаги маблағларидан ажраб қолишлари мумкин. Банк капитали етарлилигини баҳолаш иккита коэффициент орқали аниқланади, яъни:

- 1) жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати;
- 2) асосий капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати.

Банк капитали асосий капитал ҳамда қўшимча капиталдан иборат бўлади. Асосий капиталга акциядорлик капитали, акцияни сотиш қийматининг номинал қийматидан ошган қисми, тақсимланмаган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган умумий захиралар киради. Қўшимча капиталга эса, асосий фондларни қайта баҳолаш захиралари, зарар кўрилиши мумкин бўлган ссудалар бўйича захиралар ва субординар характердаги қарз инструментлари киради.

Кейинги босқичда супервизорлар эътибори активларнинг сифатини баҳолашга қаратилади. Бундан асосий мақсад банк активлари рискка тортилган даражасини таҳлил қилишдир. САМЕЛС тизимида рисклар бўйича активларни таснифлаш тўртта гуруҳга бўлинади: махсус активлар, ностандартактивлар, шубҳали активлар ва умидсиз активлар. Бунда махсус активлар - 0 %; ностандарт активлар-20%; шубҳали активлар-50%; умидсиз активлар - 100 % миқдор билан таснифланади.

Рейтинг баҳолашнинг бешта тури мавжуд:

- 1-барқарор рейтингга эга бўлади. Қачонки, умумий тасниф жами капиталнинг беш фоиздан ошмаган активлари сифатида баҳоланса. Миқдорнинг беш фоиздан ошмаслиги 1-рейтингга зид эмас, қачонки, банкнинг иқтисодий аҳволи яхши ҳамда раҳбар ўз қобилияти даражасида кредит муаммосини самарали ҳал этаётган бўлса;

- 2 - қониқарли рейтингга эга бўлади. Қачонки, умумий тасниф жами капиталнинг 15 фоизидан кўп бўлмаса;
- 3-ўртача рейтингга эга бўлади. Қачонки, умумий тасниф жами капи-талнинг 30 фоизидан кўп бўлмаса;
- 4-критик рейтингга эга бўлади. Қачонки, умумий тасниф жами капиталнинг 50 фоизидан кўп бўлмаса;
- 5 - қониқарсиз рейтингга эга бўлади. Қачонки, умумий тасниф жами капиталнинг 50 фоизидан кўп бўлмаса.

Супервизор активлар сифатига нисбатан хулоса чиқарилгандан сўнг, капитал яна қайтадан баҳоланади. Дастлаб активлар сифатининг рейтингини баҳолаш орқали чеклов шартлари тузилади, яъни: 1-барқарор рейтинг (капиталлашув юқори даражали); 2-қониқарли рейтинг (капитал қониқарли); 3- ўртача рейтинг (капитал етарли даражада эмас); 4-якуний рейтинг (капитал талаб даражасида эмас), жами капитал билан асосий капиталнинг коэффицентлари тенглашиши керак ёки капиталнинг конкрет рейтинг билан боғлиқ бўлган мезонлар (махсус кўрсаткичлар) ошади. 5-рейтинг (қониқарсиз капитал, яъни умидсиз таснифланган активлар акциядор капиталига зиён келтириши мумкин). Ушбу коэффицентлар белгиланган чекловдан кам бўлиши лозим. Бу билан бироз тафовути мавжуд бўлган банк капиталига юқори баҳо бериш имконияти рад этилмайди, қачонки, «бақувват» ёки «қониқарли» рейтинг сифатида баҳоланган бўлса ёхуд супервизорнинг фикрича, ижобий баҳо билан белгиланса ва банкнинг умумий молиявий аҳволига мос келса. Агар белгиланган шартлар бажарилмаётган бўлса, у ҳолда капитал рейтинг таснифланган активлар миқдори ва рискига мос равишда камайганлигини кўрсатади.

Кейинги босқичда супервизорнинг эътибори банкнинг фойдалилигига қаратилади. Фойда унинг сифат даражасидан ва сифаттаркибидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Фойдалиликнинг миқдорий аспекти уч йил давомида банк активларининг самарадорлигини

(фойдани активларнинг умумий ўртача суммаси миқдorigа бўлиш орқали аниқланади) таҳлил қилиш билан баҳоланади. Уч йил давомидаги маълумотлардан фойдаланиш ишчанлик цикл фазаси билан боғлиқ бўлган соф даромаддаги қисқа муддатли самарадорликни пасайтиради, яъни банкнинг аҳволига таъсири камаяди. Шундай қилиб, банкнинг фойдалилик мезони барқарор, аммо, даврийлик тебраниш даражаси кам бўлиши кузатилади.

РОА кўрсаткичи ҳар доим ҳам фойдалиликка ўхшаш манзарани беравермайди, миқдорий баҳолаш фойда сифатини таҳлил қилишга асосланган бўлиши лозим. Соф даромад ссудалар бўйича йўқотишларга қарши ортиқча ёки етарли бўлмаган захиралар ёхуд қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ёки бир марта олинадиган даромадлар сифатида шаклланади. Бундай миқдорнинг сифати одатда соф даромадга нисбатан ёмонлашади, аммо доимий операциялардан олинадиган даромадларни мазкур омиллар тасдиқламайди. Миқдорий баҳолашнинг таҳлил натижаларига кўра, у ошиши ёки камайиши мумкин.

Банкнинг фойдалилигини баҳолашда беш баллик рейтинг тизимидан фойдаланилади:

1- барқарор рейтингга эга бўлади, яъни, соф фойда банк активларининг ўртача қийматига нисбати бир фоиздан зиёд бўлиб, «юқори» активларни ҳисоблашда фойда суммаси ва капитални кўпайтириш ҳамда ссудалар бўйича йўқотишларга қарши захирани шакллантириш учун етарли бўлса. Фойдалиликнинг паст даражаси 1-рейтинг учун зид бўлади, қачонки, дивиденд тўловлари юқори бўлмаса, фойданинг кўпайиш тезлиги билан банк активларининг ўсиш суръати ўртасида салбий боғлиқлик мавжуд бўлса;

2- қониқарли рейтингга эга бўлади, фойданинг активлар ўртача қийматига нисбати 0,75 дан бир фоизгача миқдорни ташкил этса. Бунда соф даромадлар ҳаракатсиз бўлади ёки камаяди, аммо юқори сифатга

эга,бунда қониқарли операцион натижа юзага келади, капитални кўпайтириш учун захиралар шакллантирилади ва етарлилик таъминланади;

3- ўртача рейтингга эга бўлади, РОА кўрсаткичи 0,5 дан 0,75 фоизгача миқдорни ташкил этса. Бу эса, капитални кўпайтириш ва ссудалар бўйича йўқотишларга қарши захираларни шакллантиришда фойда рейтингни қаноатлантирмайди. Бунда соф даромад сифати одатдагидан паст бўлади ва келгусида юз берадиган муаммолар бўйича фаолият натижалари акс эттирилади;

4-якуний рейтингга эга бўлади, вақтинча фойда ижобий, аммо РОА кўрсаткичи 0,25 дан 0,5 фоизгача миқдорни ташкил этса. Одатда, банкнинг соф даромадлар динамикаси олдиндан айтиб бўлмайдиган тебранишлар ва қамаювчи тренднинг ўсиши билан характерланади. Соф даромадлар фаолиятнинг салбий натижаларини акс эттиради, улар капитални кўпайтириш ва ссудалар бўйича йўқотишларга қарши адекват захираларни шакллантириш учун етишмайди;

5- қониқарсиз рейтингга эга бўлади, фойда даражаси акс эттирилса, у шунчалик адекватки, банк фаолияти шубҳали бўлиб, РОА кўрсаткичи 0,25 фоиздан пастэканлигини кўрсатади. Одатда, бундай кўрсаткич соф зарарни акс эттиради, ижобий соф даромад ушбу рейтинг орқали баҳоланиши мумкин, агар зарарлар солиқ имтиёзлари, қимматли қоғозлар ва бошқа ўзига хос моддалар тушуми ҳисобидан қопланса.

Кейинги босқичда супервизор ўз эътиборини тижорат банклари балансининг ликвидлигини таҳлил қилишга қаратади. Бунда банкнинг тўлов қобилияти орқали мажбуриятларни ўз вақтида қоплаши ва миждозларнинг кредитталаблари тўлиқ таъминланишига тайёр эканлиги баҳоланади. Ҳар бир банкнинг ликвидлик таҳлили тижорат банклари сони, моҳияти ва банк операцияларининг кўлами билан боғлиқ ҳолда бири-биридан фарқ қилади. Банклар фаолиятини баҳолаш учун универсал формулаларга зарурият йўқ.

1 боб бўйича қисқача хулоса

Тижорат банклари ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг қон томири ҳисобланади. Банклар воситасида ҳўжалик субъектлари ўртасида олди-берди муносабатлари амалга ошади, кредит баблаглари билан таъминланади ва ҳоказо. Ўз ўрнида тижорат банклари томонидан бу борада амалга оширилаётган операциялар турли кўринишдаги риклардан холи эмас. Бундай рискларни суғурталаш банкларнинг барқарор фаолият кўрсатишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилар экан. Мазкур бобда тижорат банклари операцияларини суғурталашнинг назарий асослари ёритилди, бу борадаги чет эл ва мамлакат олимларининг қарашлари ўрганилди. Шу билан бирга банк операцияларини суғурталаш бўйича хориж тажрибаси ўрганилиб, таққосланди.

Биринчи боб бўйича хулоса қилган ҳолда айтиш мумкинки, банк операциялари турли кўринишдаги рискларга берилувчан бўлиб, улар орасида кредит операциялари билан боғлиқ рисклар, инвестицион операциялар билан боғлиқ рисклар ва валюта операциялари билан боғлиқ рисклар асосий ўринни эгаллайди. Бундай операциялар билан боғлиқ рисклар ривожланган мамлакатларда асосан суғурта воситасида кафолатланар экан. Масалан АҚШда бир йилда суғурта компаниялари томонидан тижорат банклари операциялари билан боғлиқ 2 мингдан ортиқ суғурта полислари берилиши маълум бўлди.

Банк операциялари суғуртаси маълумотларга кўра юз йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, банк операцияларининг турли-туманлигидан, ривожланган мамлакатлар тижорат банклари тажрибасидан келиб чиққанда 300 дан ортиқ турдаги операциялар амалга оширилишини эътиборга олганда, уларга кўрсатиладиган суғурта хизматларининг ҳам сони етарли даражада кўплигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Банклар билан боғлиқ рискларнинг турли-туманлигини ва риск тушунчаси бўйича турлича тушунчаларнинг мавжудлигидан келиб чиққан

ҳолда олимлар томонидан рискка берилган таърифлар келтирилди ва умумлаштирилди.

Ушбу бобда ҳозирги ривожланган рақобат шароитида банклар деярли барча имкониятларини ишга солиб бўлганликлари ва бундан кейинги ривожланиш фақатгина бошқа соҳа субъектлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишдан иборат эканлиги ва бундай ҳамкорликнинг самарали тури суғурта компаниялари билан бўладиган ҳамкорлик эканлиги тўғрисида хулосага келинди ва бу тўғридаги мулоҳазаларни учинчи бобда алоҳида бўлимда давом эттирилади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Банкларнинг кредит операцияларини суғурталаш

Суғурта техник, жисмоний ва информаион хавфсизлик тизимлари билан бир каторда банкларни жиноий ҳаракатлардан ҳимоя қилишнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Риск ва бизнес – бу бир-бирига боғлиқ тушунчалар бўлиб, рискдан қочиб бўлмайди, фақат уни камайтириш мумкин. Бирор корхона ва ташкилот жиноий ҳаракатлар бўйича ички ва ташқи хавфлардан тўлиқ ҳимояланган эмас. Фақатгина бундай рискларни камайтириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш, шулардан бири сифатида суғурталаш орқали юз бериши мумкин бўлган рисклардан ҳимояланиш мумкин.

Банкларнинг жиноят содир этилиши нуқтаи-назаридан юқори рискка эга операциялари сифатида кредитлаш, электрон тизим орқали пул ўтказмаларини амалга ошириш, нақд пул маблағларини сақлаш ва ташиш ва бошқа шу каби операцияларни санаб ўтиш мумкин.

Банк операциялари ичида кредит бериш операцияси юқори даражадаги рискка эга бўлган операциялардан ҳисобланади. Катта миқдордаги кредитларни бериш билан боғлиқ жиноий ҳаракатларнинг содир этилганлиги кўп ҳолларда катта вақт оралиғидан кейингина маълум бўлади. Бундай жиноий ҳаракатлар асосан кредит олувчилар билан банк ходимлари ўртасидаги тил бириктириш орқали амалга оширилади. Бундай келишувлар бирлашган гуруҳлар орқали амалга оширилганда очилиш эҳтимоли жуда қийин бўлади.

Кредит операцияларининг риск даражасининг юқорилиги банклар томонидан кўп ҳолларда аниқ режанинг ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. Кўп ҳолларда кредит олувчи жиноятчилар кредит олиш учун банк ходимларига қимматбаҳо совғалар бериш орқали

уларнинг ишончига кириб оладилар. Бундай ҳолатларнинг юз бермаслиги учун банк томонидан банк ходимлари ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи тартиб-қоидалар ишлаб чиқиши зарур.

Кредит беришда содир бўладиган жиноятларнинг яна бир кўриниши кредит олишда воситачилардан фойдаланишдир. Шундай кўринишлардан бири сифатида жиҳозлар ёки транспорт воситалари сотиб олишда дилерларнинг воситачи сифатида иштирок этишини мисол келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда банк амалиётида, аниқроқ қилиб айтганда, кредит бериш жараёнида қуйидаги таъминот турларидан фойдаланилади:

- Мол-мулкни ва қимматли қоғозларни гаровга қўйиш.
- Учинчи шахсларнинг кафиллиги.
- Банк ёки суғурта ташкилотларининг кафолати.
- Қарз олувчининг банк кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш.
- Ҳукумат ёки Молия вазирлигининг кафолати.
- Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг кафиллиги.

Шунингдек тижорат банклари кредит портфелини таҳлил этиш натижасида шуни дарҳол аниқлаш мумкинки, кредит портфелида гаров асосида кредит бериш нисбатан салмоқли улушни эгаллайди. Бундай ҳолатнинг мавжуд бўлишини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак деб ҳисоблаймиз. Негаки, гаров таъминоти, агарки гаровга қўйилган мол-мулк юқори ликвидли ва харидоргир бўлса, бошқа таъминот турларига қараганда ишончли ҳисобланишини бизнинг кредит бўйича ишлайдиган мутахассисларимиз яхши билишади. Республикамиз Президентининг “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молиявий интизомга риоя этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 31 мартдаги Фармонида “тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларнинг

ликвидли мол-мулклари асосида кредит беришни кенгайтирсин”¹⁰, деб алоҳида таъкидланганлиги ҳам бизнинг фикримизни яққол исботидир.

Шу билан бир каторда, гаров таъминотини баҳолаш ва суғурталашда катор муаммолар мавжуд. Банк кредитини ўз вақтида қайтариб бермаганлиги учун гаровга қўйилган мол-мулкларни балансга олиш ҳолатлари ҳамон учрапти. Энг ачинарлиси, бу мол-мулклар ликвидли бўлмаганлиги учун уни қисқа муддатларда сотиш имконияти бўлмаяпти.

Бугунги кунда банк кредитининг таъминоти бўйича гаровга қўйилган мол-мулкларни суғурталаш Ўзбекинвест ЭИМСК, Кафолат ДАСК, “Ўзагросуғурта” ДАСК ва бошқа кўплаб суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда.

1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан гаровга қўйилган мол-мулкларни суғуртаси бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари йидан-йилга ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ўз навбатида банк кредитларига бўлган талабни юқори даражада эканлигини билдиради.


Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларни ўз вақтида қайтара олмаслик рискин суғурталаш миллий суғурта бозоридаги йирик суғурта компаниялари бўлган Ўзбекинвест ЭИМСК, Кафолат ДАСК, “Ўзагросуғурта” ДАСК ва бошқа кўплаб суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда.

Бизнингча, тижорат банклари амалиётида гаров таъминотини профессионал баҳолаш тизими барпо этилмаганлиги бу борадаги жиддий муаммолардан бири саналади. Балки, юқорида қайд этилган суммада гаров мулкларини тижорат банклари томонидан сотилмай қолиши ҳам маълум маънода ана шу мол-мулкларни профессионал баҳоланмаганлигининг натижасидир. Деярли барча тижорат банкларининг кредит сиёсатидан

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 30 мартдаги Фармони.-“Халқ сўзи”, 2002 йил 2 апрель.

бизга маълумки, гаров таъминотини баҳолашда ички ва ташқи баҳоловчилар бўлади. Ушбу ташқи баҳоловчиларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин. Буларга;

- Техник-инвентаризация бўлимлари;
- Ер кадастри хизмати;
- “Автотеххизмат” ташкилотлари;
- Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш, ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулкларни баҳолаш агентлиги.
- Мустақил баҳоловчи ташкилотлар.



2.1-диаграмма

“Ўзбекинвест” ЭИМСК томонидан гаровга қўйилган мол-мулкларни суғуртаси бўйича келиб тушган суғурта мукофотларини улуши¹¹ (%)

Гаров таъминотини ички баҳолаш бевосита тижорат банкларининг тегишли бўлинмалари ёки кредит бўлими мутахассислари томонидан амалга оширилади. Шуниси диққатга сазоварки, Ташқи иқтисодий фаолият

¹¹ “Ўзбекинвест” ЭИМСК 2009 йиллик ҳисоботи материаллари асосида тайёрланган.

миллий банки, Асакабанк ва Ипотекабанкларининг республика бошқармаларида мол-мулкни баҳолаш бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар фақат ушбу банклар томонидан кредит беришда қабул қилинаётган гаровга қўйилган мол-мулкни баҳолаш билан шуғулланишади. Кўпчилик банкларимизда бундай ички тузилмалар умуман ташкил этилмаган. Бизнинг фикримизча, бошқа тижорат банкларида ҳам гаровни баҳолаш билан шуғулланадиган ички бўлинмани тузиш, вақтинчалик бўлсада, мақсадга мувофиқдир. Бунга асос бор. Биринчидан, мазкур бўлимда кредит ходимларидан фарqli равишда нисбатан баҳолаш бўйича тегишли билим ва малакага эга ҳамда мунтазам баҳолаш билан шуғулланадиган мутахассислар ишлашади. Демак, бу гаровни профессионал баҳолаш ва кредитни қайтмаган тақдирда уни зарар келтирмайдиган нархларда сотиш имкониятини беради. Иккинчидан, гаров таъминотини баҳолаш учун ташқи баҳоловчиларни жалб этишга ҳолат қолдирмайди. Аммо, бу бўлим мутахассислари доимо банкнинг манфаатидан келиб чиқади ва бу ҳолат бир томонлама ёндошув асосида гаровни субъектив баҳолашга, бинобарин, миқдорнинг манфаатларига зид келиши мумкин.

Гаров таъминотини баҳолаш бўйича тегишли бўлинмаларга эга бўлмаган тижорат банклари, анъанавий ички баҳолаш усулидан, яъни кредит комиссияси томонидан тайинланган шахснинг гаровга қўйилган мол-мулкни баҳолаш усулидан фойдаланишади. Одатда, бу шахслар кредит бўлими ходимлари бўлиб, уларни профессионал баҳолаш соҳасида унчалик ҳам тажрибали мутахассис деб бўлмайди. Фақат, уларнинг вазифаси гаровга қўйилган мол-мулк ҳақиқатда мавжудми, унинг қиймати банкка тақдим этилган ҳужжатларга мос келадими ёки йўқми каби саволларга жавоб топишдан иборатдир.

Бизнинг фикримизча, гаров таъминотини баҳолаш мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Афсуски, 1999 йилнинг 19 августида “Баҳолаш фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганига

карамасдан, бугунги кунгача баҳоловчилар фаолиятини лицензиялаш тартиби ишлаб чиқилмаган. Боз устига лицензияловчи органнинг аниқ эмаслиги баҳолаш фаолиятини бир маромда ривожланишига тўсик бўляпти.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолатларда гаровга қўйилган мол-мулкни баҳолаш бўйича туман ёки шаҳар техник инвентаризация ва ер кадастри хизмати томонидан қарз олувчи тақдим этилган ҳужжатлар гаровга қўйилган мол-мулкнинг бозор қийматини тўлиқ акс эттирмайди. Баъзи ҳолатларда, қарз олувчи бу ташкилотлар билан ўзаро тил бириктириб, гаров қийматини сунъий равишда оширмоқдалар. Ҳолбуки, бундай “келишишлар” кредитлар қайтарилмаган тақдирда банклар учун қимматга тушиши мумкин.

Биз кўтарилган муаммонинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда республика минтақаларида, айниқса туман ва шаҳар даражаларида мустақил баҳоловчилар тармоғини барпо этишни таклиф этамиз. Баҳоловчи ташкилотларни ташкил этишга хорижий инвесторларни жалб этиш мазкур йўналишда халқаро стандартларга мувофиқ келувчи баҳолаш хизматини кўрсатиш имкониятини беради.

Энди икки оғиз гаров мулкни суғурталаш хусусида. 1998 йилнинг 1 майида янги таҳрирда қабул қилинган “Гаров тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида “гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк кимдалигига қараб гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича, борди-ю мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаши шарт”, дейилган. Ҳақиқатан ҳам кредит шартномаси амал қилаётган даврда гаровга қўйилган мол-мулкни ёниб кетиш ёки табиий офатлар рўй бериши оқибатида шикастланиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий суғуртаси жорий этилганлиги ва бу

кредит хужжатларини расмийлаштиришда асосий шартлардан бири эканлиги кўпчиликка аён.

1998 йил бошларига қадар гаровга қўйилган мулкни мажбурий суғуртаси билан, дастлаб, собиқ давлат суғурта ташкилотлари, кейинчалик эса “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари шуғулланишган. 1997 йилнинг декабрь ойида ўша пайтда амалда бўлган “Суғурта тўғрисида” Қонунга ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан мажбурий суғурта турларини, шу жумладан гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий суғуртасини тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта ташкилоти ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Аммо, мамлакатимизда 2002 йилнинг декабрь ойига қадар суғурта фаолияти лицензияланмаганлиги туфайли гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий суғуртасини фақатгина Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ваколат берилган суғурта ташкилотлари амалга ошириб келишди. Бу суғурта ташкилотлари қуйидагилар эди:

- “Ўзагросуғурта” давлат-акционерлик суғурта компанияси.
- “Кафолат” давлат-акционерлик суғурта компанияси
- “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси.
- “Мадад” суғурта Агентлиги.
- “ЎзАИГ” ўзбек-америка қўшма суғурта компанияси.

Ҳозирги пайтда гаровга қўйилган мол-мулк суғуртасини тегишли суғурта турини ўтказишга лицензияси мавжуд бўлган ҳар қандай суғурта ташкилоти амалга оширишга ҳақли. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 31 та суғурта ташкилоти суғурта фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга. Суғурта фаолиятини лицензиялаш ваколоти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига берилган.

Гаровга қўйилган мол-мулкни суғуртаси суғурта ташкилоти ва гаровга қўювчи шахс ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ўтказилади. Суғурта шартлари, албатта, бенефициар яъни суғурта ҳодисаси рўй берганда қопламани оловчи шахс-тижорат банки билан келишилиши

лозим. Кредит бўлими ходими, фақат кредит шартномаси талаблари бажарилиши устидан эмас, балки гаровга қўйилган мол-мулкни суғуртаси бўйича тузилган шартномани бажарилиши устидан ҳам мониторинг олиб боришлари мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Суғурта шартномаси тузилганлик факти суғурталанувчига суғурта полисини тақдим этиш орқали тасдиқланади. Демак, тижорат банки кредит бўлими шакллантирган кредит бериш ҳужжатлари тўпламида суғурта шартномаси билан бир қаторда суғурта полиси ҳам бўлиши шарт. Суғурта полиси суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотлари суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан кейингина берилади. Аммо, амалиётда полислар суғурта мукофоти келиб тушмаган ҳолда бериб юборилган ва бунда тижорат банклари гаров таъминоти зарарланганда ҳеч қандай қоплама олмаган ҳолатлар ҳам бўлган. Шунинг учун фикримизча, кредит бўлими ходими қарз олувчидан суғурта мукофоти суғурта ташкилотига тўланганлиги тўғрисида тўлов топшириқномасидан нусха олса, баъзи англашилмовчиликларни олди олинган бўлади.

Мобода, гаровга қўйилган мол-мулкни суғуртаси бўйича суғурта мукофотларини шартномада босқичма-босқич тўлаш назарда тутилган бўлса, кредит бўлими ходими бу тўловларни ўз вақтида қарз олувчи томонидан амалга оширилганлигини назорат қилиши лозим бўлади. Негаки, шартномада суғурта мукофотининг бир қисми шартнома тузилган кундан эътиборан уч кун муддат ичида тўланиши, қолган қисми эса, айтайлик, икки ой муддатда тўланиши кўрсатилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда қарз олувчи суғурта мукофотининг бир қисmini белгиланган муддатда ўтказган ҳолда қолган қисmini шартномада кўрсатилган муддатда тўламаса, шартнома ўз кучини йўқотиши мумкин. Чунки, шартнома шартларида суғурта мукофотларини ўз вақтида ўтказмаслик шартномани бекор этилишига олиб келиши қайд этилган бўлиши мумкин.

Тижорат банклари кредитни қайтмаслик хатарини олдини олиш мақсадида қуйидаги (иккиламчи) таъминот турларини қабул қилади:

- мол-мулк (кўчмас ва кўчар мулклар);
- хўжалик юритувчи субъектларнинг кафиллиги (кафолати);
- учинчи (жисмоний) шахсларнинг кафиллиги;
- қарз олувчининг муддатли ва жамғарма омонатлари (депозитлари);
- қимматли қоғозлар;
- суғурта полислари ва бошқа таъминот турлари;

Таъминот сифатида олинаётган мол-мулк ва кафиллар (ташкилотлар) кредит олинаётган ҳудудда (филиалда) жойлашган бўлиши шарт. Бошқа ҳудудларда жойлашган мол-мулк ва кафиллар (ташкилотлар) таъминот сифатида тан олинishiга йўл қўйилмайди.

Кредитларни қайтариш таъминоти сифатида олинган кўчмас мол-мулк ва бойликларнинг мавжудлиги ва сақланиши ссуда беришга қадар олдиндан, мустақил баҳоловчи ёки банк ходими томонидан баҳоланиши ҳамда кредитнинг амал қилиш даврида банк ходимлари томонидан гаров таъминоти сақланаётган ёки жойлашган жойга чиқиб ҳар чоракда камида бир марта текширилиши зарур.

Гаровга олинган бойликлар ҳисобидан берилган кредитлар - бу қарз олувчининг хусусий мулки ҳисобланган, кредитор банкнинг талаблари бўйича аниқ мулкый бойликлар юзасидан гаров ҳуқуқлари билан таъминланган кредитлардир. Кредитлар моддий гаров билан фақат кредит бериш чоғида эмас, балки кредитларнинг бутун амал қилиш даври мобайнида таъминланиши шарт.

Қарз олувчининг мол-мулкига бўлган банкнинг гаров ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ расмийлаштирилади. Гаров шартномаси нотариал идорада расмийлаштирилиши ва белгиланган тартибда қайд этилган бўлиши лозим. Қарз олувчи бир вақтнинг ўзида кредитни таъминоти сифатида

бир нечта таъминот турларидан фойдаланиши мумкин. Гаров предмети хар хил мол-мулкдан, шу жумладан, буюм, жихозлар ва бошқа қимматликлардан иборат бўлиши мумкин. Муомаладан чиқарилган гаров объектлари, қарз олувчининг шахсияти билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, жумладан, шахс ҳаётига ёки соғлиғига этказилган зарарни қоплаш, алимент тўғрисидаги талабномалар бундан истисно ҳисобланади ва бу объектлар таъминот сифатида қабул қилинмайди.

Гаровга қўйилаётган мол-мулкни баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунига асосан амалга оширилади. Бундан ташқари таъминотнинг турлари қуйидагилар киритиш мумкин: қимматбаҳо тошлар ва металллардан тайёрланган заргарлик буюмлари, Молия Вазирлиги, банклар, бошқа кредит институтлар ва суғурта компанияларининг кафолатлари.

Тижорат банклари, кредитни қайтариш қобилияти 2-тоифадан паст бўлмаган кредит олувчилардан, кредитни қайтарилиш таъминоти сифатида “Мадад”, “Ўзбекинвест”, “Ишонч” БСК, “Кафолат”, “Алском” шунингдек, “Ўздавлатсуғуртаназорат” нинг литсензиясига ега бўлган бошқа суғурта компанияларидан, кредитнинг қайтмаслик хатарини суғуртаси бўйича банк-бенефитсиар фойдасига суғурта полисларини қабул қилишлари мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчиларга берилган кредитлар таъминотига “Ўзагросуғурта” давлат -аксиядорлик суғурта компанияси томонидан кредит олувчининг кредитни қайтармаслик хатари бўйича банк - бенифитсиар фойдасига берилган суғурта полисларини қабул қилиниши мумкин. Бунда кредитлаш фақат, суғурта тўлови суғурта компаниясининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилиб, кредит олувчи томонидан банкка суғурта полиси тақдим етилгач амалга оширилади. Берилаётган кредит ҳисобидан суғурта тўловини тўлаш манн етилади

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро етиш тўғрисида”ги Қонунининг 52-моддасига мувофиқ қарздорнинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй-жой ва бошқа мулкларни кредит таъминоти сифатида олишга рухсат этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 119-1-сонли қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган рўйхатдаги корхона ва мол-мулклар (2-иловада) гаров ашёси бўлиши мумкин эмас. Юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қоғозлар ҳам гаров ашёси бўлиши мумкин. Уларга қуйидагилар киради:

- давлатнинг қимматли қоғозлари;
- аксия ва облигатсиялар;
- бошқа эмитентларнинг депозит сертификатлари.

Шундай қилиб, биз гаров таъминотини баҳолаш ва суғурта қилишнинг баъзи жиҳатлари устида фикр-мулоҳаза юритдик. Сиртдан қараганда, унчалик ҳам мураккаб кўринмайдиган гаров таъминоти билан боғлиқ муносабатларда етарли даражада муаммолар мавжудлигига амин ҳам бўлдик. Бизнинг асосий вазифамиз тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар ва улар учун белгиланган фоиз суммаларини ўз вақтида банкка қайтарилишини таъминлашдир.

Банклар амалиётида энг кенг тарқалган, кредит рискин камайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим :

1. Қарздорнинг кредитга бўлган лаёқатлилигини баҳолаш. Бу усул мижоз рейтинг ини аниқлашни кўзда тутди. Қарздорни баҳолаш мезонлари ҳар бир банк учун қаттиқ индивидуаллашган бўлиб, унинг амалиётидаги мавқеидан келиб чиқиши ва вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши лозим.

2. Бир қарздорга бериладиган кредитнинг ҳажмини камайтириш. Бу усул мижознинг кредитга лаёқатлилигига тўлиқ амин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

3. Кредитларни суғурталаш. Кредитни суғурталаш унинг қайтмаслик рискани тўлиқ суғурталаш билан шуғулланувчи ташкилот зиммасига юкланишини кўзда тутди. Суғурталаш билан боғлиқ барча харажатлар ссуда олувчилар томонидан тўланади.

4. Етарли таъминланишни талаб қилиш. Бундай усул банкдан берилган сумманинг қайтишини ва фоиз олиншини кафолатлайди. Кредит рискидан ҳимояланишда асосий эътибор зарарларни қоплаш учун мўлжалланган етарли таъминотни жалб қилишга эмас, балки ушбу зарарларга йўл қўймаслик учун қарздор кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишга қаратади.

5. Дисконтли ссудалар бериш. Дисконтли ссудалар унчалик катта бўлмаган даражада кредит рискани пасайтиришга ёрдам беради. Бундай усулда кредит бериш кредитга минимум тўлов олишни таъминлайди.

Агар кредит рискидан ҳимояланишнинг бошқа усуллари қўлланилмаса, унинг қайтиши муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Банкларда фоиз риски қуйидаги усуллар воситасида пасайтирилиши мумкин:

1. Фоиз рискани қуйи бўғиндаги тегишли суғурта ташкилотига ўтказиш йўли билан суғурталаш.

2. Кредитларни сузувчи фоиз ставкасида бериш. Бу нарса банкка берилган кредитларининг фоиз ставкасига бозордаги фоиз ставкаларининг тебранишини ҳисобга олиб тегишли ўзгаришлар киритишга имконият беради ва банк ссуда фоизининг бозор нормаси ошиши натижасида кўриши мумкин бўлган зарарлардан қочиш учун шароит яратиб беради.

3. Муддатли келишувлар. Мижоз ва банк ўртасида белгиланган ҳажм ва ўрнатилган фоизда, маълум бир келишилган кунда ссуда билан таъминлаш тўғрисида махсус форвард битим имзоланади. Бундай битимни тузиш билан банк ссудаларни бериш

вақтида бозор фоиз ставкаларининг тушиб кетиши хавфидан ўзини химоялайди. Бунда анча паст тўлов эвазига кредит олган мижоз эса ютади. Хеджирлашнинг бу усули фоиз ставкалари тебраниши билан боғлиқ рискни мижоз билан тақсимлаб олишга имконият беради.

4. Фоизли фьючерс контрактлари. Фоиз фьючерслари бозор фоиз ставкаларининг тебранишидаги спекуляциялар ҳамда фоиз рискни коплаш учун қўлланилади.

5. Фоиз опсионлари . Фоиз опсиони – бу опсион эгасига қатъий ўрнатилган баҳода келгусида белгиланган кунда ёки унгача қисқа муддатли депозит ёки ссудани сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини (мажбурият эмас) берувчи келишуви.

6. Фоиз своплари. Битта суммага, лекин турли шартларда тузилган кредит мажбуриятлари бўйича банклар ўртасида бўладиган фоиз тўловлари (асосий қарз бўйича тўловларни эмас) алмашинуви фоиз своплари дейилади. Масалан, фоиз ставкаси сузувчи, қатъий белгиланган ёки ҳар хил ссуда капиталлари бозордаги ставкаларга мослаштирилган бўлиши мумкин.

2.2.Тижорат банкларининг депозит операцияларини суғурта қилишнинг хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш.

Халқаро тажрибанинг гувоҳлик беришича, банк депоизтларига тўлиқ кафолат бериш банк тизими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Айнан, шу туфайли кейинги икки йилда қатор банк инқирозларининг вужудга келганлиги кўпчиликка маълум.

Жаҳонда дастлабки депозитларни суғурта қилиш 1934 йилда АҚШда амалга оширилган. 1933 йилларда АҚШда бўлиб ўтган инқироз кўплаб банкларни банкрот бўлишига олиб келди. АҚШ Ҳукумати банкларни банкрот бўлиш ҳолатидан сақлаш мақсадида 1934 йилда Депозитларни суғурта қилиш бўйича Федерал корпорация ташкил этган. Бу корпорация АҚШ Конгресси ва Федерал ҳукуматга бўйсунган ҳолда уни беш кишидан

иборат бўлган Директорлар кенгаши бошқаради. Корпорациянинг ташкил этилиши кейинчалик кўпгина банкларни банкротликдан сақлаб қолган. Масалан, 1930-1933 йилларда умумий депозитлар ҳажми 6530,0 млн.долл. бўлган 9000 дан ортиқ банк банкрот бўлган бўлса, кейинги тўрт йил давомида (1934-1937й.) ўз фаолиятини тўхтатган банклар сони 246 тани ташкил этган¹². Депозитларни суғурталаш бўйича Федерал корпорация Федерал заҳира тизими, Пул муомаласини назорат қилиш бошқармаси ва жамғарма муассасалари устидан назорат қилиш бўйича бошқарма билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Шуниси диққатга сазоварки, 1934 йилда ссуда-жамғарма уюшмаларини суғурталаш бўйича ҳам Федерал корпорация ташкил этилган эди. 1989 йилда қабул қилинган “Молия муассасаларини соғломлаштириш, назорат ва ислоҳ қилиш тўғрисида” Қонунга мувофиқ, ссуда-жамғарма уюшмаларини суғурталаш бўйича Федерал корпорация депозитларни суғурта қилиш бўйича Федерал корпорацияга бирлаштирилди. Агар, 1934 йилда битта омонат бўйича белгиланган лимит 2500 долл.ни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 100,0 минг долл.га тенгдир. Демак, АҚШ тижорат банкига 100,0 минг долл.гача омонот қўйган фуқаролар тўлиқ олишади.

Кўпгина хорижий мамлакатларда депозитларни суғуртаси давлатга қарашли ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Назарий жиҳатдан қараганда, депозитларни суғурта қилишни етарли даражада молиявий имкониятга эга бўлган хусусий суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилиши анча самаралироқ бўлиши мумкин. Таассуфки, хусусий суғурта ташкилотида депозитларни тўлаш бўйича маблағ етмай қолган тақдирда, барибир давлат аралашуви рўй беради. Бундан ташқари, депозитларни суғурталаш бўйича хусусий суғурта ташкилоти устидан каттиқ назорат ўрнатилиши лозим. Амалий жиҳатдан, санаб ўтилганларни

¹² Аникин А.В. Защита банковских вкладчиков: российские проблемы в свете мирового опыта. – М.: изд. “Дело” 1997 г. стр.63.

хаммаси депозитларни хусусий суғурта йўли билан химоялаш самарадорлигини камайтиради.

Депозитларни суғурталаш тизимини яратиш ҳақида гап борар экан, уни мавжуд давлат органларидан мустақил равишда ташкил этиш керакми ёки Марказий банк таркибида бўлиши мақсадга мувофиқми, деган масалани ҳал этиш керак. Бизнинг республикамизда 2002 йилда ташкил этилган фуқароларнинг банкдаги омонотларини кафолатлаш фонди мустақил молия ташкилоти бўлиб, у Марказий банкка ёки бошқа давлат органларига бўйсунмайди. Аммо, Фонднинг юқори органи бўлмиш - кузатув кенгаши аъзолари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланади ва тасдиқланади. Кўпгина мамлакатларда депозитларни суғурталаш бўйича ташкилотлар бошқа давлат органларидан мустақил равишда фаолият кўрсатишади. Аммо шу билан бир қаторда Ирландия ва Филиппин каби давлатларда депозитларни суғурталаш функцияси банк тизимини назорат қилувчи ва тартибга солувчи давлат органи зиммасига юклатилган.

2.1-жадвал маълумотларини таҳлил этиш шундан гувоҳлик бермоқдаки, деярли барча иқтисоди тараққий этган мамлакатларда депозитларни суғурта қилиш тизими жорий этилган (2.1-жадвалга қаранг). Депозитларни суғурталаш тизими, дастлаб, 1934 йилда АҚШда ташкил этилган бўлса, кейинчалик Японияда (1971 й.), Германияда (1966 й.) ва Францияда (1980 й.) ташкил этилган. Шуниси эътиборлики, суғурта ходисаси рўй берганда, яъни тижорат банки банкрот деб эълон қилинганда депозитларни суғурталаш фондидан тўланадиган қоплама миқдорлари турличадир.

Масалан, жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, энг кўп суғурта суммаси Италияда тўланишини аниқлаб олиш қийин эмас. Италияда битта омонотчига тўланадиган суғурта қоплама миқдори 125,0 минг долл.га тенгдир. Бу кўрсаткич Японияда 71,0 минг долл.ни, Канадада эса 40,7 минг.долл.ни ташкил этади.

Тижорат банкларидаги омонат қолдиғига нисбатан ҳисобланадиган ва депозитларни суғурталаш фондига ўтказиладиган йиллик мажбурий суғурта бадаллари ҳам ҳар хил. Жумладан, Бельгияда йиллик бадал миқдори омонот қолдиғига нисбатан 0,02 фоизни ташкил этса, бу кўрсаткич АҚШда 0,27 фоизгачани ташкил этади. Энг юқори кўрсаткич Италияда бўлиб, у 0,4-0,8 фоизни ташкил этади.

2.1-жадвал

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида омонатларини суғурталаш тизими¹³

Мамлакат	Ташкил этилган йили	Давлатнинг иштирок этиши	Қопламаларнинг энг кўп миқдори	Йиллик бадал (%)
АҚШ	1934	+	100000 долл.	0,0-0,27
Япония	1971	+	71000 долл.	0,048-0,036
Канада	1967	+	40770 долл.	0,33 гача
Германия	1966	+/-	20000 евро	0,03
Франция	1980	+	20000 евро	-
Италия	1987	+	20000 евро	0,4-0,8
Бельгия	1974	+	20000 евро	0,02
Швейцария	1984	-	20000 евро	-

1999 йил ҳолатига Японияда жами депозитларнинг 78,8 фоизи суғурта ҳимоясига олинган бўлса, Италияда 83,0 фоизи суғурталанган. Афсуски, жадвалдаги бошқа мамлакатлар бўйича маълумотларнинг берилмаганлиги самарали таҳлил этиш имкониятини бермайди.

Энди депозитларни суғурталаш механизми айрим шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида қандай йўлга қўйилганлиги билан танишиб чиқамиз.

¹³ www.Allinshrans.RU.

Ривожланаётган давлатларда омонатларни суғурталаш тизими¹⁴

Мамлакат	Ташкил этилган йили	Давлатнинг иштирок этиши	Қопламаларнинг энг кўп миқдори	Йиллик бадал (%)
Чехия	1994	+	11756	0,0-0,27
Венгрия	1993	+	4564	0,048-0,036
Польша	1995	+	4400	0,33 гача
Руминия	1996	+	3600	0,03
Украина	1998	+	250	-
Қозоғистон	2000	+	Шкалага мувофиқ	0,4-0,8
Ўзбекистон	2002	+	1278 долл.	0,5 гача

2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, баъзи Шарқий Европа мамлакатларида, хусусан, Чехия, Венгрия, Польша, Руминия каби давлатларда депозитларни суғурталаш фондлари, асосан, 1991 йилдан кейин, яъни социалистик тузум тугатилгандан кейин ташкил этилган. Таҳлил этилаётган мамлакатлар таркибида энг кўп миқдорда суғурта копламалари Чехияда тўланади, яъни бу ерда банк банкрот деб эълон қилинганда депозитларни суғурта қилиш фондидан тўланадиган пул маблағлари миқдори 11756,0 долл.ни ташкил этади. МДХ мамлакатларида биринчилардан бўлиб, жисмоний шахсларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш бўйича фонд Белоруссияда ташкил этилган. Шуниси диққатга сазоварки, жисмоний шахсларнинг омонотларини ўз вақтида аҳолига қайтаришни кафолатлаш Белоруссия Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Кафолатлаш фонди Белоруссия Миллий банкида ташкил

¹⁴ [www. Allinshrans.RU](http://www.Allinshrans.RU).

этилган бўлиб, банк тўлов қобилиятини йўқотган тақдирда битта омонотчининг 2000 долл.гача пул маблағи қайтарилиши кафолатланади. Тижорат банклари ҳар ойда кафолат фондига омонатларнинг қолдиғига нисбатан 0,1 фоиз миқдорида мажбурий бадал тўлаб борадилар. Кафолат фондининг пул маблағлари ҳажми жами омонат қолдиқ суммасининг 5 фоизи миқдорида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йилнинг 21 мартида қабул қилинган Фармонида асосан, “Омонат-ҳимоя” суғурта Жамғармаси негизида устав фонди 500,0 млн.сўм миқдорида бўлган аҳоли жамғармалари жамоа суғурта Жамғармаси ташкил этилди. Ушбу Фармонда бу Жамғарманинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:¹⁵

- аҳолининг молия ва банк тизимида ишончини ошириш; омилкор ва самарали суғурта тизимларини ишлаб чиқиб, жорий этиш негизида банкларнинг аҳоли омонатлари бўйича жавобгарлигининг етарли суғурта ҳимоясини таъминлаш;
- маблағларни ишончли юқори ликвидли давлат ва корпоратив қимматли қўғозлар ҳамда банк депозитларига инвестиция қилишнинг энг мақбул стратегиясини амалга ошириш.

1998-2001 йиллар давомида фуқароларнинг банкдаги омонатларини суғурта қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кутилган натижаларни бермади. Тижорат банклари томонидан мазкур суғурта жамғармасига нисбатан муносабат салбийлигича қолди. Омонатларни суғуртавий ҳимоя қилиш банкларга аҳоли омонатларини жалб этишда кўмак беради ва омонатлар ҳажми кескин кўпаяди, деган фикр-мулоҳазалар мавжуд эди.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 мартдаги Фармони. – «Халқ сўзи», 2000 йил 24 март.

Баъзи банк раҳбарлари, бизнинг банкимиз умуман банкрот бўлмайди, шу боис жисмоний шахсларнинг банкдаги омонатларини суғурталашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблашса, айримлари бу суғурта ташкилотига хайрихоҳ бўлдилар. Жумладан, “Ипак йўли” банки, “Ҳамкорбанк”лар банк омонатларини суғурта қилиш бўйича шартнома туздилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2002 йилнинг 5 апрелида “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” Қонун қабул қилди. Ушбу Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад, тижорат банклари банкрот бўлган ҳолларда фуқароларнинг банкдаги омонатларини қайтарилишини кафолатлашдан иборат. Маълумки, муқаддам фақат давлат-тижорат “Халқ банки” омонатчилари учун давлат кафолати мавжуд эди. Бошқа тижорат банклари банкрот бўлган тақдирда уларнинг омонотчиларига омонотни қайтиб бериш бўйича ишончли кафолат механизми яратилмаган.

“Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” Қонунни ижро этилишини таъминлаш нуқтаи назаридан, 2002 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фуқароларнинг банклардаги омонотларини кафолатлаш фонди ўз фаолиятини юрита бошлади. Бу фонд ўзига хос суғурта фонди эканлигини унутмаслик лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкдан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олгандан сўнг Фонд банкрот бўлган банкнинг омонатчиларига маблағ тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу Қонуннинг 4-моддасида “Фонднинг мол-мулки банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағ қўйилишидан олинган даромадлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилади”, деб кўрсатилган эди¹⁶.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкидан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олинган сўнг Фонд ушбу банкда пул маблағларини сақлаган омонатчиларга ҳақ тўлашни бошлайди. Бунда омонатчиларнинг қуйидаги миқдорлардаги омонатлари қайтарилиб берилади:

Банк депозитларини суғурта қилиш ёки кафолатлаш биринчидан, банкка кичик миқдорда омонат маблағларини қўйган шахсларни ҳимоялашга қаратилган бўлса, иккинчидан банк тизимини барқарорлигини таъминлайди. Аммо шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда кўпчилик давлатларда банкларнинг банкрот бўлиши омонатларни банкдан ёппасига олиш эвазига эмас, балки тижорат банклари томонидан хавфли операцияларни амалга ошириш туфайли юз бермоқда. Банк депозитларини суғурталаш тизими айни чоғда йирик молиявий воситачи ва давлат бюджетини молиялаштиришнинг ишончли воситаси сифатида ҳам ажралиб туради. Яъни суғурта фондининг вақтинча бўш турган маблағлари пул ресурсларига эҳтиёж сезилган соҳаларга инвестиция қилиниши, масалан, давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали бюджет тақчиллигини молиялаштиришда иштирок этиши мумкин. Кўп ҳолатларда депозитларни суғурталаш фонди маблағлари мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмайди ва бу ўз навбатида ҳукуматдан қўшимча маблағлар ажратилишини тақоза этади. Шунинг учун Давлат бюджети тақчиллиги катта бўлган мамлакатларда ушбу фондни ташкил этишда эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарур. Айрим хорижлик мутахассисларнинг, хусусан Р.Хелфернинг фикрига кўра: “депозитларни суғурталаш, бир томондан етарли даражада банк назорати бўлмаган ва иккинчидан, жиддий банк инқирози бўлган шароитда ҳам ўз мажбуриятини бажариш имкониятига эга бўлмаса, бу тизим банкротликка дучор бўлади”¹⁷.

¹⁷Helfer R.T. What Deposit Insurance Can and Can not Do. – Finance and Development. Vol.36 №1 1999.

Банк депозитларини суғурталаш тизимини жорий этилиши банклар ва улар омонатчиларининг масъулиятини сезиларли камайтириш эҳтимоли мавжуд. Гап шундаки, банклар ўз депозитлари суғурталанганлигини эътиборга олиб, сунъий операцияларни амалга оширишлари мумкин.

2.3. Банкларнинг валюта операцияларини суғурталаш

Халқаро иқтисодий муносабатларда товар ва хизматларнинг алмашинувида уларнинг аниқ бир эквивалент қийматларини аниқлаш баъзи қийинчиликлар туғдиради. Халқаро савдо ва тўлов муносабатлари ҳар доим валюта ҳаракати билан боғланган ва шу боис халқаро иқтисодий алоқаларнинг ҳар қайси субъекти учун ҳисоб-китоблар учун чет эл валютасида амалга оширилади. Натижада, турли хил иқтисодий омиллар таъсирида халқаро шартнома амалга оширилгунга қадар бўлган давр мобайнида битим имзоланган валюта курси бошқа валюта курсига нисбатан тушиб кетиши мумкин ва бу шартнома иштирокчиларидан бирининг фаолиятида тўғридан-тўғри ёки эгри моддий йўқотишлар бўлишига олиб келиши мумкин.

70- йилларнинг бошида сузиб юрувчи валюта курси режимига ўтилиши халқаро иқтисодий муносабатлар учун жиддий қийинчиликлар туғдирди. Валюта rischi деганда кенг маънода валюта курсларининг тебраниши оқибатида халқаро иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг халқаро иқтисодий алоқалари ва хўжалик фаолияти натижаларининг ўзгариш имкониятлари тушунилади. Валюта rischiга халқаро иқтисодий операциаларнинг барча субъектлари дуч келишади. Буларга давлат, банклар, савдо ва саноат компаниялари, бошқа юридик ва жисмоний шахсларни мисол қилиш мумкин.

Валюта курсларини беқарор ўсиши халқаро меҳнат тақсимотининг бузилишига сабаб бўлади, товар ва хизматларнинг

эквивалент кийматларда алмашинувини қийинлаштиради, халқаро савдо ҳажми ва уни баланслаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Валюта курсларининг нобарқарорлиги экспортёр ва импортёрларнинг чет элдан маҳсулот сотиб олиш ва чет элга маҳсулот сотиш ҳажмларини қисқартиришларига сабаб бўлади. Чунки улар келгусида валюта курслари қандай ўзгаришларини аниқ билишмайди. Масалан, импортёр валюта рискларига йўлиқишдан хавфсираб товарни чет элдан сотиб олишдан кўра ўз мамлакатидан сотиб олишни афзал кўради.

Валюта рискларига халқаро савдо операцияларида экспортёр ҳам, импортёр ҳам тўқнаш келади. Агар шартнома импортёр мамлакат валютасида ёки учинчи бир мамлакат валютасида тузилган бўлса ва товар пули маълум муддатдан кейин тўланиши расмийлаштирилган бўлса, экспортёр валюта рискига йўлиқади. Шартномада кўрсатилган валюта курси экспортёрнинг миллий валюта курсига нисбатан тушиб кетганда экспортёр зарар кўриши мумкин. Чунки у миллий валютасида ҳисоблаб қўйган суммани олмайди ва режалаштирилган фойдага ҳам эга бўлмайди.

Импортёр учун валюта rischi қўйидаги пайтда намоён бўлади: яъни агар у баҳоси чет эл валютасида фиксацияланган товарни сотиб олаётган пайтда чет эл валютасининг курси миллий валюта курсига нисбатан ошиб кетса. Бунда импортёр шартнома имзоланган вақтдагига қараганда ўз миллий валютасида кўпроқ сумма тўлашга мажбур бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, шартнома тузилган вақт билан унинг бажарилиши ўртасидаги муддат қанчалик узоқлашиб борар экан, валюта хавф-хатари ҳам шунга пропорционал равишда ортиб боради. Валюта рискларининг юзага чиқиши шакли сифатида шартнома иштирокчиси битим имzolанаётган вақтда олишни ёки тўлашни режалаштирган сумма билан келиб тушган ёки тўланган сумма орасидаги фарқни ҳисоблашимиз мумкин.

Бозор иқтисодиёти корхона, жамоа бирлашмалари, кооперативлар, банклар ва фуқаролар ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишлари валюта хўжалик мустақиллиги учун кенг имкониятлар яратиб беради. Лекин, сир эмас, жаҳон капитал бозорида фаолият юритиш хавфхатар билан боғлиқ бўлади. Кўпинча рискдан бутунлай қутулиб бўлмайди, балки унинг даражаси пасайтирилади. Валюта riskини пасайтиришда банкларнинг ўрни муҳим. Банк тизимини эркинлаштириш ва корпоратив банклар фаолиятини универсаллаштириш шароитида банк riskини баҳолаш ва назорат қилиш ҳолатида муҳим аҳамиятга эга. Валюта riskи валюта бозорларида операциялар бажариш, банк операциялари бозорининг байналминаллашуви транс миллий корхоналар ташкил этилиши билан боғлиқ.

Валюта riskи деганда, ташқи иқтисодий фаолиятда турли валюта операциялар ўтказиш жараёнида айирбошлаш курсларининг ўзгариши натижасида нисбатан зарар кўриш ёки юқори фойда олиш эҳтимоли тушунилади. Валюта riskи кўлами валютани сотиб олиш қобилиятининг пасайтириши (кўтарилиши) даражасига боғлиқ. Агар экспорёр шартномаларни тўлов валютаси курси тушгунга қадар имзоласа, у курс натижасида зарар кўриши мумкин. У ҳолда, тушум маблағи миллий валютага ўгирилганда илгари кўзда тутилгандан кам бўлиб чиқади. Импортёр эса, валюта курси ошганда зарар кўради, Чунки мазкур валюта хариди учун кўпроқ валюта маблағи керак бўлади. Миллий молия бозорида фаолият юритилганда riskни башорат қилиш мумкин ҳисобланса, ҳудудий ва халқаро молия бозорларида башорат қилиш жуда қийин.

Валюта курсининг ўзгаришига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатиши мумкин:

1. Фоииз ставкаларининг ўзгариши.
2. Жорий савдо балансининг ҳолати.

3. Инфлясия даражаси.
4. Иқтисодий ва сиёсий шароитлар.
5. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви.

Валюта рискани 3 категорияга ажратиш мумкин:

1. Трансмиссион риск – бу ҳисоб амалиёти бўлиб, унда фирма ёки банкнинг хорижий валютадаги активлари ва мажбуриятлари миллий валютага ўтказилаётганда айирбошлаш курс ўзгарганлиги натижасида ўзгариши содир бўлади. Агар миллий валютада ифодаланган хорижий валюта қимматлашса, у ҳолда фирма ёки банкнинг хорижий активлари, мажбуриятлари ва мулк қиймати ҳам миллий валютага нисбатан ошади. Агарда хорижий валюта айирбошлаш курси қадрсизланса, тескари ҳодиса юз беради.

2. Трансаксия рисқи ҳам валюта рисқи ҳисобланиб, у хорижий валютада аниқланган тушум ва тўловлар бўйича ҳисоб рақамларга тегишли бўлади. Агар транзаксион кўриниш тегишли хеджирлаш чоратadbирлари орқали бартараф етилмаса, айирбошлаш курси, фирма даромадига миллий валютадаги тушумига ва тўловлар қиймати ўзгаришига таъсир кўрсатади. Барқарорлик сиёсатини кўрсатиш мақсадида тижорат банклари ўз вақтида мижозлардан транзаксион харажатлар ўзгариш эҳтимолини бутунлай хеджтрлашларини маслаҳат беришлари ва талаб қилишлари лозим. Шундай қилиб, банк минежментининг валюта савдоси борасидаги энг самарали сиёсати қўйидагилардан иборат:

а) мижозлар томонидан ташкиллаштирилган тижорат транзаксиялар учун валюта битимларини чеклаш;

б) валюта кассалар учун овернайт операцияларига қатъий лимитлар ўрнатиш ва фақат корпоратив мижозлар томонидан мунтазам талаб қилинадиган асосий конвертирланувчи валюталар учун лимитларни чеклаш;

в) валюта савдосига фаол иштирок этадиган корпоратив ва банк мижозлар учун кундузги иш кунида валюта айирбошлаш ва овернайт учун лимитлар ўрнатиш ва мазкур мижозлар активлигининг доимо мониторингини амалга ошириш.

3.Иқтисодий риск - мазкур тур валюта рискининг энг муҳим тури бўлиб, у умуммиллий фирма учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий риск айирбошлаш курсининг фирма активлари қийматига узоқ муддатли таъсирини билдиради. Шундай қилиб, валюта операцияларидан зарар кўриш хавф-хатарини пасайтириш учун алоҳида оператсиялар бўйича алоҳида валюта рискни назорат қилиш усулидан фойдаланадилар. Банклар хорижий валютадаги актив ва мажбуриятларнинг ҳажми ва муддатларига лимитлар қўйиш ва ҳар бир алоҳида валюта бўйича лимитларни мунтазам кузатиш ва мониторинг қилиш орқали стабил сиёсат ишлаб чиқишлари лозим. Муолажалар ва лимитлар банк кредит сиёсати билан аниқланилиши лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Бу тадбирлар валюта операциялари кўламини кенгайтириб уларни жаҳон амалиётига мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Шу мақсадда манфаатдор органлар халқаро валюта бозорининг фаолият механизмининг чуқур ўрганишлари лозим. Замонавий шароитда валюта рискни назорат қилиш воситаларининг тўғри қўллаш жуда муҳим, чунки акс ҳолда, валюта тебранишлари давлат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Одатда валюта рисклари банкларда турли усулларда бошқарилади. Банк ички тизимида валюта рискларининг бошқаришнинг биринчи қадами бўлиб, валюта операцияларига лимитлар ўрнатилиши ҳисобланади. Хусусан қўйидаги бир қатор лимитлар кенг тарқалган:

1.Хорижий давлатларда лимитлар (мижозлар ва контрҳамкорлар билан бир кун мабайнида оператсиялар ўтказиш учун ҳар бир алоҳида мамлакат суммасида максимал даражадаги қиймат ўрнатилади).

2. Контҳамкорлар ва мижозлар билан оператсияларга лимитлар (ҳар бир контрҳамкор, мижоз ёки мижозлар турига оператсиялар ўтказиш учун максимал даражадаги қиймат ўрнатилади).

3. Дастак лимитлари (савдо учун валюталар ва савдо дастаклари учун лозим бўлган рўйхатни белгиланган ҳолда фойдаланилган дастаклар ва валюталар бўйича чекловларни ўрнатиш).

4. Ҳар бир кун ва дилерга лимит ўрнатилади (савдо қилинаётган хорижий валюта, ҳар бир алоҳида дилер ва ҳар бир алоҳида дастак учун кейинги кунга ўтказишнинг эҳтимолий улуши бўйича, одатда, эҳтимолий очик позитсиянинг максимал ҳажми ўрнатилади).

5. Зарар лимити (максимал даражадаги заралар ҳажми ўрнатилади, бундан сўнг эса, барча очик позитсиялар зарар билан қопланиши мумкин). Баъзи банкларда бундай лимит ҳар иш кунига ёки алоҳида даврга белгиланади, баъзи банкларда 7 алоҳида дастакларга тақсимланади, баъзиларида эса, алоҳида дилерларга ўрнатилиши мумкин. Лимитлардан ташқари жаҳон амалиётида валюта хатарларининг қўйидаги усуллари қўлланилади:

- актив ва пассивлар бўйича валюта олди-сотдисининг ўзаро ҳисоби, у «МЕТчинг» усули деб аталиб, унла валюта чиқимининг кўрсаткичидан валюти кирими ҳисоб қилиниши ёрдамида банк уларнинг ҳажмига ва ўз навбатида ўз хатарларига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлади;

- «неттинг» усулининг қўлланилиши, яъни бунда валюталарни мустаҳкамлаш евазига битимлар миқдорини қисқартиришнинг максимал имконияти. Бунинг учун банклар бўлинмалар ташкил этиб, бу бўлимлар хорижий валюталарни олди-сотди қилиш бўйича буюртмалар тушишини мувофиқлаштириб боради;

- ахборот маҳсулотларига эгалик қилиш ёрдамида қўшимча ахборотлар олиш, бунда ихтисослашган фирмаларнинг реал вақт

тартибида валюта курслари ва сўнги ахборотлари ҳаракатлари ифодаланган бўлади;

- ҳар кунлик асосда валюта бозорларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига йўналтирилган молия тизими ўрнатилиши шароитида молиявий муносабатларни корхона даражасида мувофиқлаштириш механизми иқтисодий муносабатлар макрорегуляторлари каби муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, риск сўзи барча луғатларда «зарар эҳтимоли» маъносида таърифланади. Хавф- хатар амалга оширилган битим, келишув ёки бозорнинг бошқа транзаксияси натижасида қатъий ишонмасликни билдиради. Бу табиий албатта, чунки тижоратда у ёки бу хўжалик оператсиялар хусусиятларидан келиб чиқадиган пул йўқотишлар хавфи доим мавжуд бўлган ва бўлади.

Умумий ҳолда, рискни бошқариш деганда, кейинги зарар миқдорини чегаралашга олиб келадиган олдини олиш ҳатти-ҳаракатлар конкрет тўплами ёрдамида фавқулотда вазиятлардаги ҳимояланишни англатади.

Рискни бошқариш методи деганда, 2 турдаги ҳатти-ҳаракатлар тушунилади:

а) бир хил турдаги риск остидаги тадбиркорлар ўртасидаги хатарни қайта тақсимлаш;

б) суғурта ташкилотига ёрдам учун мурожаат қилиш.

Рискни суғурталаш риск даражасини пасайтиришнинг энг кенг тарқалган ва муҳим усулидир. Ўз моҳиятига кўра суғурталаш, турли рискларларнинг кутилаётган таъсирида юзага келадиган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган ресурсларни олдиндан захира лашнинг шакли бўлиб ҳисобланади.

Суғурталашнинг иқтисодий моҳияти шундаки, унда алоҳида суғурта қилдирувчи томонидан кутилаётган зарардан сезиларли

даражада кам суммада белгиланган бадални ўтказиш орқали захира (суғурта) фонди яратилиши ва суғурта ҳодисаси рўй бериши билан суғурта қопламасини олишдадир. Шундай қилиб, рискнинг ката қисмини суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига ўтказиш жараёни амалга оширилади.

Рискни суғурталаш моҳияти бўйича белгиланган тўлов эвазига маълум даражадаги рискларни суғурта компаниясига ўтказишдир. Бу ҳолатда, фойдалиликнинг маълум даражада камайиши ҳисобига кўзда тутилмаган ҳолат мавжуд бўлмайди. Суғуртага яратилган пул фондининг мақсадлилиги, унинг ресурсларини олдиндан келишилган ҳолларда фақатгина йўқотишларни қоплаш учун сарфланиши, муносабатлар характерининг эҳтимоллиги, маблағларнинг қайтаришилиги хосдир.

Рискни бошқариш усули сифатида суғурталаш чоратадбирларнинг 2та шаклини англатади:

- 1) суғурта компаниясига ёрдам сўраб мурожаат қилиш;
- 2) бир турдаги рискка учраган тадбиркорлар гуруҳи ўртасида зарарни тақсимлаш (ўзўзини суғурталаш).

Кредит бозори хизмати сифатида суғурталаш ишлатилганда, бу молиявий менежерни ўзига қулай бўлган суғурта мукофоти ва суғурта суммаси ўртасидаги нисбатни аниқлашга мажбурлайди.

2-боб бўйича қисқача хулосалар

Биринчи бобда кўрилган масалалардан маълум бўлдики, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган операциялар турли-туман ва улар турли рисклар билан боғлиқ. Мазкур рискларни суғурталаш банклар фаолиятининг барқарор ривожланишининг гарови сифатида амал қилмоқда ва бу ривожланган мамлакатларда кенг йўлга қўйилган. Мазкур фаолиятнинг мамлакатимиздаги ҳолати ушбу бобда аниқ банк операциялари мисолида кўрили ва таҳлил қилинди. Бундай операциялар

асосан кредит операциялари, инвестиция операциялари ва валюта операциялари бўлиб, улар билан боғлиқ операциялар ҳажм жиҳатидан ва риск даражаси бўйича ҳам юқори.

Юқорида келтирилган банк операциялари ичида берилган кредитнинг гаров таъминоти сифатида қўйилган мол-мулкларни турли йўқотишлардан суғурталаш мамлакатимизда нисбатан кенг ҳажмда амалга оширилаётган суғурта турларидан ҳисобланади. Мазкур суғурта турини миллий суғурта бозорида умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг деярли барчаси амалга ошириб келмоқда.

Банк кредитининг қайтиши бўйича учинчи шахслар кафиллиги суғуртаси амалга оширилаётган банк операциялари суғуртасининг ҳажми бўйича иккинчи ўринда турувчи суғурта тури ҳисобланади. Таъкидлаб ўтиш керак, мазкур операциялар бўйича кафилнинг ҳаёти ва соғлиги кўп ҳолларда суғурталанмай қолмоқда.

Бошқа банк операциялари суғуртаси мамлакатимизда нисбатан паст даражада амалга ошириб келинмоқда ва бу борада ушуб суғурта турларини жонлантириш зарур деб ҳисоблаймиз.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУЎУРТАЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Тижорат банклари операцияларини суғурталаш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари

Тижорат банкларининг фаолияти риск даражаси юқори бўлган тадбиркорлик соҳаларидан биридир. И.ф.д., проф. Ш.З.Абдуллаева қайд этганидек, тижорат банкларининг ҳар бир операцияси риск билан боғланган. Қоидага кўра, тижорат банклари рискларни самарали бошқариш чора-тадбирларини кўради. Аммо, кўрилган чора-тадбирлар ҳар доим ҳам кутилган натижани беравермайди. Ўзбекистон шароитида банк рискларини бошқаришда суғуртанинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бошқа юридик ва жисмоний шахслар каби банкларнинг ҳам суғурта тизимига нисбатан ишончи унчалик мустаҳкам эмас.

Аммо шунга қарамасдан, иқтисодий ислохотлар амалга оширилганлигининг дастлабки пайтларидаёқ, баъзи банк рискларини суғурта йўли билан ҳимоя этиш йўлга қўйилди. Жумладан, 1992-1997 йиллар давомида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг қарз олувчи томонидан ўз вақтида қайтара олмаслик рискинни суғурталаш банк рискларини суғуртавий ҳимояга олишнинг дебочаси сифатида анча тараққий этди. Афсуски, мана шу йиллар давомида айрим суғурта ташкилотларининг молиявий имконияти етарли бўлмаган шароитда катта миқдордаги рискларни мажбурият сифатида қабул қилиши, биринчидан, бундай суғурта ташкилотларининг банкрот бўлишига, иккинчидан, банкларнинг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини янада йўқолишига сабаб бўлди. Чунончи, 1995-1996 йилларда “Энигма” суғурта ташкилоти ўз активига нисбатан бир неча юз баравар катта миқдордаги мажбуриятни қабул қилиб, яъни бир неча юз миллион сўмлик кредит ресурсларига суғурта полиси бериб, мажбуриятни бажара олмасдан банкрот деб эълон

қилинди. Суғурта ташкилотларининг тижорат банклари олдидаги мажбуриятларини бажара олмаганлигининг сабабларидан бири, қараб чиқиладиган даврларда суғурта ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишчи суғурта назорати давлат органининг ташкил этилмаганлиги бўлди.

1998 йилнинг 8 июлида Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта назорати давлат инспекциясининг ташкил этилиши суғурталанувчилар, шу жумладан, тижорат банкларининг мижозлари бўлган - қарз оловчиларнинг қонуний манфаатини ҳимоя этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда тижорат банкларининг санокли рискларигина суғурталанмоқда. Бунга қарз оловчи томонидан кредитни ўз вақтида қайтара олмаслик рискинни суғурталаш ва жисмоний шахсларнинг банкдаги муддатли омонотларини кафолатлаш тизимини яратилганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва “Асакабанк”ларнинг пластик карточкаларига эга бўлган шахсларни бахтсиз ҳодисалардан ушбу банклар ҳисобидан бепул суғурталаниши механизминини яратилганлиги бевосита бўлмасада, билвосита банк рискларини суғурта йўли билан ҳимояга олишда қўйилган муҳим қадамлардан биридир.

Бизнинг фикримизча, банк рискларини камайтиришда суғурта механизмидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан бири - исътемом кредитлари ва таълим кредитларини ажратишда кредит оловчи жисмоний шахснинг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашдир. Бунда суғурта шартномаси уч томонлама тузилиб, банк, мижоз ва суғурта ташкилотлари иштирок этади. Кредит оловчи жисмоний шахснинг ҳаётини суғурталаш шартномаси кредит шартномаси амал қилиш муддати

доирасида тузилиб, ушбу шартнома амал қилаётган даврда кредит олган шахс кўнгилсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида вақтинча ёки тўлиқ меҳнат қобилиятини йўқотса ёхуд вафот этса, унинг кредит асосий суммаси ва фоиз суммалари бўйича қолган қарзини суғурта ташкилоти тўлаб беради. Бу суғурта тури банк рискларини камайтиришда ва уни бартараф этишда жуда қўл келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юрти талабаларига таълим кредитларини бериш тўғрисида” 2001 йил 22 августда қабул қилган қарорига мувофиқ, олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида таълим олаётган талабаларга таълим кредитларини бериш жорий этилган. Ҳозирги пайтда кредитларни банкка ўз вақтида қайтарилишини таъминловчи восита сифатида “Мадад” суғурта Агентлигининг полислари тижорат банклари томонидан қабул қилинаёпти. Банк рискларини суғурта йўли билан бошқаришда банк ходимларини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш муайян аҳамият касб этади.

Шунингдек мавжуд маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва “Асакабанк” ходимлари бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталанган. Бу ерда тижорат банклари ходимлари ва банк рисклари ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Фараз қилайлик, тижорат банкида масъулиятли вазифада ишлайдиган ходим бахтсиз ҳодиса туфайли тан жароҳати олди. Агар, унинг ҳаёти бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурталанган бўлса, суғурта ташкилоти унга тиббий харажатларни қоплаш мақсадида суғурта суммасини беради. Суғурта ташкилоти томонидан берилган суғурта суммаси банк ходимини соғлигини тиклашда асқотади. Таассуфки, кўпгина тижорат банклари ўз ходимларини ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурталашга етарли эътибор беришмаяпти. Шу боис, аста-секинлик билан суғурта маданиятининг ошиб бориши натижасида банк ходимларининг ҳаётини

бахтсиз ҳодисалардан суғуртавий ҳимояга олиш - банк рискларини суғуртасидаги истиқболли йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистонда банк рискларини суғуртавий ҳимояга олишнинг истиқболли йўналишларидан бири-тижорат банки хизматчиларининг банк миждозлари олдидаги касбий жавобгарлигини суғурталаш ҳисобланади. Ҳаттоки, мутахассислар дастлаб тижорат банкига ишга қабул қилинаётган пайтда, албатта, учинчи шахслар, яъни банк миждозларига зарар келтириш касбий жавобгарлигини суғурта ҳимоясига олишлари шарт. Амалиётда шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки, банк хизматчиси ўз касбини чуқур билмаслик ёки ўзи билмаган ҳолда миждознинг манфаатларига зарар келтириш мумкин. Масалан, тижорат банкининг операция бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимнинг айби билан миждознинг топшириғи бўйича унинг ҳамкори ҳисоб-китоб рақамига ўтказиладиган пул маблағлари тўлов топшириқномасидаги манзил бўйича бормасдан, бутунлай бошқа йўналишга кўчирилиши мумкин. бунинг оқибатида банк миждози зарар кўриши, табиий. Шунинг учун биз Ўзбекистон банк амалиётида банк хизматчиларининг учинчи шахслар олдидаги касбий жавобгарлиги суғуртасини жорий этишни таклиф этамиз. Чунки бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига асосан “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир.

Ипотека муносабатларни тўлақонли фаолият юритилишида суғурта муносабатларининг ўрни катта ҳисобланади. Ипотека кредитини амалга оширишда кредит таъминотини белгилаб берувчи мулк гаровга қўйилади. Кредит шартномасининг талабларидан бири - бу суғурта тўловини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳамда гаровга қўйиладиган кўчмас мулк қийматини қисман ёки тўлиқ юқотиш ҳолатидан ипотека предметини суғурта қилинганлигини тасдиқловчи суғурта полиси ва суғурта ҳақидаги шартнома ҳисобланади.

Ипотека суғурта шартномаси - томонларнинг аниқ юридик ва молиявий муносабатларини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Ипотека суғуртасини комплекс тарзда амалга ошириш мумкин ёки фақат гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш мумкин.

Шунингдек мол-мулкни суғурталашда суғурта ҳимояси шартномадаги муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ суғурта ташкилоти суғурта муддати мобайнида мол-мулк суғурта жойида бўлганда ёки суғурта жойида қурилиш ишлари амалга оширилганда суғурта ҳодисаси содир бўлишидан зарарланиши натижасида суғурта қилдирувчининг ва наф олувчининг мулкӣ манфаатларига этказилган зиёндан суғурта ҳимоясини тақдим этади.

Ипотека суғуртаси шартномасида белгиланган учинчи шахслар олдидаги фуқоролик жавобгарлигини суғурталашда суғурта ҳимояси шартномада кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ суғурта ташкилоти суғурта қилдирувчининг мулкӣ манфаатларига суғурта ҳодисаси бўлганда учинчи шахсларга этказилган зарарларни келишув ёки суд қарори билан белгиланган пул маблағлари миқдорида қоплаш орқали суғурта ҳимоясини тақдим этади.

Ипотека суғуртаси шартномасида белгиланган эғалик қилиш ҳуқуқи бекор бўлиши натижасида кўриладиган йўқотишларни суғурталаш бунда суғурта ҳимояси шартномада кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ суғурта ташкилоти суғурта қилдирувчининг мулкӣ манфаатларига кўрсатилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта пулидан ошмаган миқдорда мол-мулкни тиклаш харажатларини қоплаш ёки суғурта қилдирувчига ва ёки наф олувчига зарарни тўлаш орқали суғурта ҳимоясини тақдим этади.

Шу билан бир қаторда ипотека суғуртаси шартномасида белгиланган ҳуқуқӣ ҳимоя билан боғлиқ харажатларни суғурталашда суғурта ҳимояси шартномада кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ суғурта ташкилоти Суғурта қилдирувчининг мулкӣ манфаатларига

шартномада кўрсатилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурта ташкилоти билан олдиндан ёзма равишда келишилган суғурта килдирувчини ҳуқуқи ҳимоялаш харажатларини қоплаш ёки низони ҳал қилиш давомида суғурта килдирувчининг манфаатларига ҳуқуқий ҳимоя тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳам суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

Мазкур суғурта тури бўйича шартнома томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради. Суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми ўз вақтида тўланган тақдирда суғурта ташкилотининг шартнома бўйича мажбуриятлари амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк тизимини ривожлантириш объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали ташкил этишни талаб этади. Бунинг учун банк томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг даромадлилигини ошириш, ушбу операцияларни амалга оширишда қилинаётган харажатларни камайтириш ва шу асосда банк фойдасини кўпайтириш имкониятларини топиш муҳим ҳисобланади. Тижорат банклари даромадлари структурасини гуруҳларга бўлиб таркибини бирма-бир кўриб чиқамиз. Операцион даромадлар тижорат банклари даромадлари таркибида катта улушга эга бўлиб, асосий фаолиятдан даромадлар деб ҳам номланиб, улар ўз навбатида фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади.

Банк фаолияти даромадининг асосий қисми фоизли даромадлардан келади. Яъни, ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни пуллик жойлаштиришдан олинadиган даромадлар. Асосан бу даромадлар, миқдорларга кредит беришдан ёки бўш пул маблағларини Марказий Банк ва тижорат банкларига жойлаштириш, шунингдек, узоқ муддатли

мажбуриятларга маблағ қўйишдан келадиган фоизли даромадлардан иборат бўлиб, бунга лизинг, факторинг, форфейтинг ва ҳисоб операциялари ҳам бу даромад турига киради.

Ушбу фаолиятларнинг ҳар бир турини кенгроқ кўриб чиқадиган бўлсак, кредитлаш операцияларидан даромадларини шакллантириш икки таркибий элементга бўлинади:

- мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш;
- бўш резерв маблағларини фоиз ҳисобига бошқа тижорат банкларига вақтинчалик фойдаланишга бериш.

Кредит бериш фаолиятининг ривожлантиришнинг асосий омиллари бўлиб, кредит муассасалари орасида маълумот айирбошлашнинг яхши йўлга қўйиш, молия-банк бозорида ресурсларни қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи воситачиларнинг мавжудлиги ҳамда вакиллик ҳисобварақларини малакали бошқаришни ташкил этиш ҳисобланади.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар банк тизимида кредитлашнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улар қандай мақсадга йўналтирилганига қараб гуруҳланади. Хусусан, ипотека, ломбард, овердрафт, контокоррент истеъмол ва бошқа кўпгина кредит турларини санаб ўтиш мумкин. Бироқ бизда одатдаги қисқа, урта ва узоқ муддатга кредитлаш кўп ҳолларда қўлланилади. Кўпгина кредит турларининг амалиётда йўқлиги ҳали иқтисодий тизимнинг мукамал ривожланмаганлигидан, капитал айланишининг сустлиги, кредитлаш билан боғлиқ кўпгина рисклар мавжудлиги каби омилларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Траст (ишонччилик) ва вакиллик операциялари бўйича банк даромадни мижоз мулкани (кўчма! мулк, қимматли қоғозлар, ҳисоб рақамдаги маблағлар) бошқариш ёки ушбу мулкка доир айрим махсус топшириқларни бажариш орқали комиссия тўловлар шаклида олади.

Банкнинг кафиллик фаолияти банкка пул шаклида даромад келтиради. Банк мижозларга кредитларини олигун учун ёки ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун турли хил кафиллик ва кафолатномалар беради

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда миждозларга банк хизматларини кўрсатишда нокредит характердаги хизматлар катта аҳамиятга эга бўлиб, банк даромад манбасининг ўрни бўйича иккинчи хисобаланади. Одатда бу даромадларни комиссиян мукофотлар шаклида бўлиб, амалга оширилган операция ёки шартнома суммасидан фоиз кўринишида ўрнатилади. Бундан ташқари банклар ёрдамчи бўлимларнинг тижорат фаолиятидан қўшимча даромад олиши мумкин. Масалан, агар банк шахсий реклама хизматига эга бўлса, ўз миждозларига реклама хизматларини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, бошқа хизматлар ҳам фақатгина банк фаолиятини таъминлашга эмас, балки миждозларга пуллик хизмат кўрсатишлари ҳам мумкин. Булар бўлиши мумкин: юридик, информაციон, телекоммуникация, маркетинг, аудитор, транспорт ва бошқа хизматлар.

Банклар асосий ва қўшимча фаолият даромадларидан ташқари, бошқа даромадлар категориясига кирувчи жарима, пенялар, захира суммасини қайта тиклаш ҳамда даромадга солиқ ортиқча тўлаганлиги учун бюджетдан маблағ қайтариш бошқа даромадлар ҳам ошлиши мумкин. Бу даромадлар моҳиятан тасодифий ёки банкнинг ҳисобот даврида «Ишлаб топилмаган» ҳисобланади.

3.2. Банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўллари

Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиётдаги муҳим ютуқларидан бири суғурта соҳасини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш борасидаги эришган сезиларли даражадаги ўзгаришлари бўлди. Ўтган давр мобайнида суғурта соҳасида таркибий, ҳуқуқий ва бошқа томондан катта ўзгаришлар юз берди ва натижада иқтисодиётнинг муҳим ва ажралмас қисмига айланди.

Мамлакат молия инфратузилмасини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири банксуғуртани ривожлантириш ҳисобланади.

Банксуғурта модели жаҳон амалиётида 1920 йиллардан бери амал қилиб ва такомиллашиб келмоқда. “бансассурансе” термини биринчи марта Францияда 1970 йилларда суғурта хизматларини банклар орқали сотишни йўлга қўйиш билан пайдо бўлди. Бугунги кунда бундай термин орқали суғурта хизматларини банк орқали сотиш тушунилади, банк суғурталовчи (“bankassurer”) сифатида мижознинг суғурта хизматларига ва банк хизматларига бўлган талабини қондирадиган ташкилотни тушунилади.

Банксуғурта концепцияси (“bankassurance”) нинг моҳияти банклар ва суғурта компанияларининг ўз хизматларини сотишни биргаликда мувофиқлаштириган ҳолда ташкил қилиш бўйича интеграциясидан иборат. Банксуғурта турли мамлакатларда мазкур мамлакатнинг хусусиятларидан келиб чиқиб турлича ташкил этилган. Барча мамлакатлар учун бир хил бўлган тартиб-қоидалар мавжуд эмас. Банклар орқали суғурта хизматларини сотиш катта ҳажмни ташкил этиб, бу айниқса ҳаёт суғуртаси ривожланган мамлакатларда катта ҳажмни ташкил этиб келмоқда.

Банклар томонидан суғурта маҳсулотларини сотишга бўлган қизиқиш молия бозорларининг ривожланиб бораётганлиги ва натижада рақобатнинг кучайиб бориши ҳамда қўшимча даромадга эга бўлишга бўлган қизиқиш туфайли ортиб бормоқда. Бундай хизматни йўлга қўйиш билан банклар ўз мижозлари сонини кўпайтиришга эришадилар, мижозлар учун янги қулайликлар яратадилар ҳамда шу билан бирга қўшимча даромадга эга бўладилар.¹⁸

Суғурта компаниялари ва банкларнинг банксуғуртасидаги иштирокининг тизимлашган кўриниши мавжуд бўлиб, бу тизимнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тизимнинг моҳияти молиявий характерга эга бўлиб, бу банклар ва суғурта компанияларини бир-бирига

¹⁸ Манчурак М.В. Ключевые принципы взаимодействия банков и страховых компаний и их развитие// Страховое дело. №8(257) 2014й. 20-27 бетлар

яқинлаштиради ва шу билан бирга мижознинг фойдалилик жиҳатларини кўпайтиради. Суғурта компанияларининг банк суғуртасида иштирокидан эришиладиган натижалар қуйидагилардан ташкил топади:

- мижозлар сони кўпаяди ва янги бозорларга чиқиш имконияти юзага келади;

- хусусий бизнесни кенгайтириш учун инвестициялар ҳосил бўлади;

- ўз агентлик шаҳобчаларини ташкил қилмасдан бозорни эгаллаш имконияти юзага келади;

- комбинациялашган суғурта маҳсулотларини сотиш имконияти юзага келади;

- аквизицион харажатлар камаяди;

- суғурта даромадларининг ортиши ҳисобига инвестициялар самарадорлиги ортади;

- шаҳобчаларига нисбатан самарадорлик даражаси ортади;

- мижозлар базасини кенгайтириш имконияти ҳосил бўлади.

Банк суғуртаси назарияси ўз таркибига суғурта хизматларини банкка ва унинг ходимларига ҳамда банкнинг мижозларига сотишни қамраб олади. Банк мижозлари жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Бундай хизмат йўлга қўйилганда банк ходими маълум суғурта хизматларини суғурта ташкилоти ходимининг иштирокисиз ўзи амалга ошириш мумкин.

Суғурта компанияси бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш учун биринчи ўринда банклар бўйича маълумотлар базасига эга бўлиши керак ва шу базадан фойдаланган ҳолда банклар билан музокараларга киришмоғи зарур. Ҳамкорликни самарали ва узоқ муддатли йўлга қўйиш учун суғурта компанияси ҳамкорликни қайси банкдан бошлаш тўғрисида тўғри қарор қабул қилиши зарур. Бунда компания томонидан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқчи бўлган банк хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича, стратегияси, мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти, қарорлар қабул қилиш тезлиги ва бошқа жиҳатлари компанияга мос келишига эътибор

каратиш лозим. Мазкур хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда банк танлангандан кейин банкка таклиф қилинадиган комисион тўловлардан ташқари бошқа манфаатли таклифларни ҳам ўз ичига олган таклифлар жамламаси билан банкка мурожаат қилиш ўзаро ҳамкорликни самарали ва узоқ муддатли йўлга қўйилиши имконини беради.

Банк билан келишув амалга ошгандан кейин ҳамкорликни йўлга қўйиш учун сотиш стратегиясини ва ўзаро ҳамкорлик шаклини ишлаб чиқиш зарур. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, суғурта ва банк хизматларини сотиш стратегияси қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- бир томонлама;
- икки томонлама;
- воситачи орқали.

Бир томонлама сотиш стратегияси фақат банк томонидан суғурта хизматларини сотиш ёки фақат суғурта компанияси томонидан банк хизматларини сотишдан иборат бўлиши мумкин. Булар ичида кенг тарқалган шакл банклар томонидан суғурта хизматларини сотиш ҳисобланади. Бунинг сабаби кўпгина суғурта хизматлари, айниқса стандарт суғурта хизматлари суғурта ходимининг иштирокисиз банк ходими томонидан тўғридан-тўғри сотилиши мумкин. Банк хизматларининг асосий қисми фақатгина банкнинг тўғридан-тўғри иштироки билангина амалга оширилиши мумкин. Суғурта компанияси банк иштирокисиз амалга ошириш мумкин бўлган банк хизматларидан кенг тарқалган тури бу банк пластик карточкаларини таклиф қилишдир. Хизматларни сотишнинг икки томонлама стратегиясида иккала томон ҳам бир-бирининг хизматларини таклиф этиши йўлга қўйилади.

Воситачи орқали хизматларни сотиш стратегиясида банк ва суғурта компанияси ўртасида воситачи боғловчи вазифасини бажаради. Бундай тизим банк томонидан ёки суғурта компанияси томонидан ёки ҳамкорликда ташкил этилиши мумкин. Бундай вазифани молиявий хизматларни сотувчи аутсорсинг компаниялари амалга ошириши мумкин. Бундай компаниялар

фаолияти ривожланган мамлакатларда етарлича кенг тарқалган ва улар молиявий маслаҳатчилар деб аталади.

Сотиш стратегиясини аниқлаб олгач, банк ва суғурта компанияси ўзаро ҳамкорлик шаклини белгилаб оладилар. Ҳамкорликнинг бундай шакли қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- агентлик битими;
- кооперация;
- молиявий супермаркет.

Биринчи кенг тарқалган шакл агентлик битими бўлиб, бунда қоидага кўра банклар суғурта полисларини комисион ҳақ эвазига сотишни амалга оширади. Бу ҳолатда томонларнинг мижозлар тўғрисидаги маълумотлар базаси бир-бирларига берилмайди ва бунда алоҳида маҳсулотлар сотувга қўйилади.

Ҳамкорларнинг нисбатан юқори даражадаги интеграциясига эга бўлган иккинчи шакл кооперация деб аталади ва бунда мижозлар тўғрисидаги маълумотлар базаси бир-бирига берилади ва ҳамкорликдаги маҳсулотлар ишлаб чиқилади, банк ва суғурта компаниясининг сотиш каналлари интеграцияси амалга ошади. Бундай ҳолатда ҳамкорликдаги маҳсулотлар ва ҳамкорликдаги маълумотлар базаси ташкил этилади. Ҳамкорликнинг иккинчи шаклида банклар ва суғурта компаниялари бир-бирининг фаолиятига чуқурроқ кириб борадилар. Шундай бўлсада улар алоҳида юридик шахс мақомида қоладилар ва ўз бизнес-режаларини ўзлари ишлаб чиқадиладар.

Банксуғурта технологиясининг учинчи шакли молиявий супермаркет деб аталади. Бунда ҳамкорлик фақатгина маҳсулотларни сотиш ва ҳамкорликда маҳсулотлар яратишдан иборат бўлмасдан, балки суғурта компанияси ва банкнинг ички сиёсати ва бизнес режаларини ишлаб чиқишдаги ҳамкорлиги ҳам назарда тутилади. Бунда банк ва суғурта компаниясининг ягона стандартлари ишлаб чиқилади. Ҳамкорликда ишлаб чиқилган мижозлар базасидан тўлиқ фойдаланилади, биргаликдаги

маркетинг ва реклама фаолиятини аалга оширилади. Бундай чуқур интеграцияни ўз таркибида банк ва суғурта компанияларини бирлаштирган йирик молиявий гуруҳларгина амалга ошириши мумкин.

Банксуғурта назарияси ривожланиб бормоқда ва бу суғурта компаниялари ва банк менежерларидан ностандарт фаолиятни кенгайтиришни талаб этади. Банксуғурта фаолияти ривожланишининг асосий факторлари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- 1.Молиявий маҳсулотларнинг оддийлиги ва талабга эгаллиги.
- 2.Банк ва суғурта компанияси ходимларининг юқори малакаси.
- 3.Банкда сотиш технологиялари комбинациясини йшлга қўйиш.
- 4.Сотиш жараёнларининг информацион технологиялар билан таъминланганлиги.
- 5.Банксуғурта жараёнларини самарали бошқаришни йўлга қўйиш.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида банксуғурта муносабатлари бугунги кунда ўзининг ривожланиш чўққисига кўтарилган десак хато бўлмайди. Сигма рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, 2004 йилда Осиё ва Тинч океан атрофи мамлакатларида банклар орқали сотилган суғурта полислари ҳажми жами полисларнинг 20 фоизини ташкил этган. Бунда биринчи учликни Япония, Корея ва Тайван мамлакатлари эгаллаган.

Россияда банксуғурта хизматларининг ҳажми кейинги 7 йил давомида доимий равишда ошиб келган. Аммо банксуғурта хизматларининг жами суғурта хизматларидаги ҳиссаси кескин ўзгаришлар билан давом этмоқда (3.1-жадвал). 2008 йилда унинг ҳиссаси 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 10 фоизга тушиб қолган. 2012 йилда ушбу хизматлар ҳажми энг юқори, яъни 35 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб банксуғурта бозорининг ҳиссаси 15 фоизга тушиб кетган, бу ҳам бўлса, асосан истеъмол кредитлари олувчиларнинг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш ҳиссасига тўғри келган. 2014 йилда Россияда банксуғурта 2013 йилдаги даражасини сақлаб қолди.

Россияда банксуғурта бозорининг ривожланиш динамикаси

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
Банксуғурта ҳажми (млрд.рубл)	90	81	94	125	168	193	222
Банксуғурта хизматларининг жами суғурта мукофотларидаги ҳиссаси (фоизда)	31	10	17	32	35	15	15

Бугунги кунда мамлакатимизда банксуғурта хизматлари амалга оширилмаяпти. Бу эса суғурта компанияларининг мамлакат тижорат банклари ва ғарбдаги йирик банклар билан ҳамкорлигини чегаралаб қўймоқда. Бундай ҳамкорликни ривожлантириш банкларнинг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлайди ҳамда банк тизимининг халқаро банк тизимига интеграциясини амалга оширишда ёрдам беради.

Мамлакатимизда суғурта фаолиятини ривожлантириш ва тартибга солиш учун етарлича қонуний ва меъёрий ҳужжатлар яратилган. Улар махсус қонуний ҳужжатлар ва умумий қонунчилик ҳужжатлари сифатида амал қилмоқда. Банксуғуртанинг ривожланишига мамлакатимизда амал қилаётган “Банклар ва банк фаолияти” қонунининг 4 моддаси тўсқинлик қилмоқда. Унда банклар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти (қонунчиликда рухсат этилганлардан ташқари) деб белгилаб қўйилган. Ушбу ҳолат банксуғуртанинг ривожланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Учинчи боб бўйича қисқача хулоса

Учинчи боб Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари операцияларини суғурталаш амалиётини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган бўлиб, унда ушбу операцияларни такомиллаштиришнинг келажакдаги истиқболлари, мазкур операцияларни суғурталашни ривожлантириш учун амалга ошириш зарур бўладиган ишлар ва булар ичида банксуғурта концепциясининг жаҳон тажрибаси, унинг афзалликлари тўғрисида фикр юритилди ва хулосалар қилинди.

Мазкур иш давомида шулар маълум бўлдики, мамлакатимизда банк хизматлари ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда ва уларнинг турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга амалга оширилаётган банк операцияларининг риск даражаси ҳам ортиб бормоқда. Бундай рисклардан юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлардан сақланишнинг бирдан-бир йўли суғурта эканлиги яна бир бор исботланди ва уни ривожлантириш банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда қўл келиши асосланди. Банксуғурта концепциясини ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги ва улар кўрсатаётган хизматлар таннархининг пасайишига олиб келиши асослаб берилди.

ХУЛОСА

Сўнгги йилларда суғурта ва банк тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ҳукуматимиз томонидан мазкур соҳаларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланишига олиб келди.

Бугунги кунда суғурта ташкилотлари иқтисодиёт субъектлари фаолиятида юзага келадиган ҳар хил нохуш ҳолатларни олдини олишда ва уларни ҳимоялашда жуда катта ўрин тутмоқда. Шу билан бир қаторда банк фаолиятида ҳам учрайдиган мавжуд рискларни пасайтиришда суғурталовчилар ўзларининг суғурта хизматларини ҳам кўрсатиб келмоқдалар. Бу суғурта хизматлари суғурталовчилар билан банклар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан улар ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик муносабатларида баъзи бир камчиликларни олдини олиш мақсадида қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

1. Банк rischi дейилганда банкнинг ўз ресурсларининг маълум қисмини йўқотиш, маълум молиявий амалиётлар натижасида кўзда тутилмаган сарфларнинг юзага келиши ёки даромаднинг олинмаслиги хавфидир. Рискнинг миқдорий ўлчамлари одатда мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади. Мутлоқ ифодада риск маълум амалиётларни ўтказишдаги бўлиши мумкин бўлган йўқотишлар миқдори билан характерланади.

2. Олиб борилган илмий изланишлар, гаров таъминотини баҳолаш ва суғурталашда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Банк кредитини ўз вақтида қайтариб бермаганлиги учун гаровга қўйилган мол-мулкларни балансга олиш ҳолатлари ҳамон учрапти. Энг ачинарлиси, бу мол-мулклар ликвидли бўлмаганлиги учун уни қисқа муддатларда сотиш имконияти бўлмаяпти.

3. Гаров таъминотини баҳолаш бўйича тегишли бўлинмаларга эга бўлмаган тижорат банклари, анъанавий ички баҳолаш усулидан, яъни кредит комиссияси томонидан тайинланган шахснинг гаровга қўйилган мол-мулкни баҳолаш усулидан фойдаланишади. Одатда, бу шахслар кредит бўлими ходимлари бўлиб, уларни профессионал баҳолаш соҳасида унчалик ҳам тажрибали мутахассис деб бўлмайди. Фақат, уларнинг вазифаси гаровга қўйилган мол-мулк ҳақиқатда мавжудми, унинг қиймати банкка тақдим этилган ҳужжатларга мос келадими ёки йўқми каби саволларга жавоб топишдан иборатдир.

4. Бизнинг фикримизча, гаров таъминотини баҳолаш мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биз кўтарилган муаммонинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда республика минтақаларида, айниқса туман ва шаҳар даражаларида мустақил баҳоловчилар тармоғини барпо этишни таклиф этамиз. Баҳоловчи ташкилотларни ташкил этишга хорижий инвесторларни жалб этиш мазкур йўналишда халқаро стандартларга мувофиқ келувчи баҳолаш хизматини кўрсатиш имкониятини беради.

5. Битирув малакавий ишда мамлакатимизда 2002 йилда ташкил этилган фуқароларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш фондининг фаолияти қонунчилик ҳужжатлари асосида таҳлил этилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, фонд томонидан тижорат банклари банкрот бўлганда уларнинг омонатчиларига тўланадиган қоплама миқдори етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Бизнинг фикримизча, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини тиклаш мақсадида Фонд томонидан банкрот бўлган тижорат банклари омонатчиларига тўланадиган қоплама миқдорларини камида энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баравари миқдорида белгилаш лозим.

6. Битирув малакавий иши натижалари шуни кўрсатдики, афсуски ҳозирги пайтда тижорат банкларининг активларини суғуртавий ҳимояга олиш қониқарли эмас. Кўпгина тижорат банки раҳбарлари суғуртанинг

моҳиятини етарли даражада тушунмайдилар. Ваҳоланки, суғурта ҳимоясига олинган мол-мулк, мобода кўнгилсиз, нохуш ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида зарарланганда зарар миқдори суғурта ташкилоти томонидан қоплаб берилади. Бу тижорат банкининг молиявий аҳволини бир маромда бўлишини таъминлайди.

7.Мамлакатимизда амалда банк операцияларининг асосан гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш тури кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари кредитларни қайтмасликдар суғурталаш маълум йўналишларда амалга оширилмоқда. Бошқа банк операциялари суғуртаси деярли амалга оширилмай қолмоқда. Ваҳоланки, кредитларни қайтмасликдар суғурталаш барча йўналишларда берилаётган кредитларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Банк операцияларини инфляция даражасининг кескин ортиб кетиши хавфидан суғурталашни йўлга қўйиш ҳам яхши самара беради.

8.Банк операциялари суғуртасини янада ривожлантириш учун банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни чет мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиш (банксуғурта) яхши самара беради. Бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш иккала томон учун ҳам манфаатли бўлиб, банклар учун янги даромад манбаи яратилса, суғурта компаниялари учун суғурта хизматларини сотишнинг қулай ва арзон йўли ташкил этилади. Бу ўз ўрнида банк операциялари суғуртасининг кенгайишига ҳам сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Шарқ 1999 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси Шарқ 1996 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь. Т.: Ўзбекистон 2009 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель. Т.: Ўзбекистон 2009 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимининг янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги фармони» 2000 йил 21 март. «Халқ сўзи» 2000 йил 22 март.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». - Т.: 2002 й., 5 апрель. «Халқ сўзи», 2002 йил 28 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3022-сон Фармони. «Халқ сўзи», 2002 йил 1 февраль.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни. – Халқ сўзи, 2008 йил 21 апрель.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 286-сонли Қарори. 1998 йил 8 июль. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари, 4-илова, - Т.: Ўзбекистон 2000 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги 177-сонли Қарори.

11.“Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-56 сонли Қарори 2005 йил 15 апрел.

12.“Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш турган маблағларни банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 725 сонли Қарори 2007 йил 7 ноябр.

13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2008 йил 22 май.

14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги 15.3-сонли Қарори.1997 йил 28 февраль.Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, 1997, 2-сон.

16.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

17.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли Қарори.“Банк ахборотномаси” 2007 йил 6 июнь.

18.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги №321-сонли Қарори “Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлигини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғридаги Низомни тасдиқлаш ҳақида.

19.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида»ги 432-сонли Низоми, 2000 йил 2 март.

20.Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта назорати инспекциясининг 2010 йил статистик маълумотлари.

21.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш- устувор мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 27 январ. “Халқ сўзи” 2010 йил 28 январь.

22.Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 21 январ. “Халқ сўзи” 2010 йил 22 январь.

23.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т: Ўзбекистон, 2009.56 б.

24.Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.:Ўзбекистон, 2009.-24б.

25.Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.Ўзбекистон 2010 йил.

II. Асосий адабиётлар

26.Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик/-ТМИ, 2003 йил 368 бет.

27.Абдуллаева Ш.З. Банк ресурслари ва уларни шакллантириш асослари.-Т:, ТМИ-2004 йил. 263 бет.

28.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Дарслик Т-ТМИ, 2002 йил 182 бет.

29.Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар Дарслик Т - Иқтисод-молия, 2007 йил, 348 бет.

30.Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари, Ўқув қўлланма. Т-Иқтисод-молия, 2005 йил 459 бет.

31.Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. «Банк ресурслари ва уларни бошқариш» – Т.: Иқтисод-молия 2004 йил 103 бет.

32.Абдуллаев Ё, Қоралиев Т, Тошмуродов Ш, Абдуллаева С. “Банк иши” Т.:Иқтисод-молия 2009 й.

33.Махмудова Л. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.-Т.: ТАҚИ, 2004 й.

34.Шеннаев Х.М.,Суғурта агентлари учун қўлланма. Ўқув қўл.-Т.:инфо СОМ.УЗМЧЖ, 2010 йил.

35.Қўлдошев Қ.М. “Суғурта бозори”.Ўқув қўлланма.Т.:Иқтисодиёт 2011 й.

III. Қўшимча адабиётлар

36.Ардатова М.М., Болинова В.С., Кулинова А.Б., Яблукова Р.З. Страхование: Учеб пос.-М.: Проспект, 2006 г.

37.Страхование. Под редакцией проф.Т.А.Федоровой. Учебник.-М.:Магистр. 2008 г.

38.Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика.-М.; Волстер Клувер, 2007 г.

39.Гушценко Н.Б. Основы страховой деятельности:Учебное пособие.-М.:Ф и С,2006 г.

40.Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес:Словарь-справочник Р.Т.Юлдашев – М., Анкел, 2005 г.

41.Хўжаев Й.Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурта. Ўқув қўл.-Т.:Солиқ академияси, 2005 йил.

IV. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

41. Боймуродов Т.М. “Суғурта тизимида маркетинг ва мониторинг дастурларини ишлаб чиқиш”. Ўзбекистон ахборотномаси 2001

42. Имомов Ш. “Суғурта –иқтисодиётни ҳимоялаш ва ривожлантиришнинг муҳим омили” халқ сўзи 2002 йил 27 ноябр

43. Мирсодиқов М. “современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана”

44. Икромов О.Г. Шеннаев Х. “Ўзбекистонда суғурта хизматлари

бозори: Ривожланиш тенденциялари ва истикболлари” молия журнали
2008 йил, 1-сон

45. Холиков У. “Ўзбекистон суғурта компаниялари халқаро суғурта бозори иштирокчилари сифатида” Баркамол авлодни иш билан таъминлаш давр талаби Илмий амалий конференцияси материаллари
2009 йил 15 декабр.

46. Холиков У. “Халқаро суғурта бозорига жаҳон молиявий Иқтисодий инқирозининг таъсири” Бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича Республика илмий амалий конференцияси 2010 йил март

47. Олимжон Икромовнинг 2013 йил 24-28 апрел Халқаро Инвеститсия-Молия форумидаги тақдимот материаллари

48. Гўзал Анаркулованинг 2013 йил 24-28 апрел Халқаро Инвеститсия-Молия форумидаги тақдимот материаллари

V. Интернет сайтлари:

WWW.реферат.ру

WWW.ресурс.ру

хттп://www.мссе.ру/рус/фигхт/ИНДЕХ.ХТМЛ

хттп://www.сбр.ру/маркетс/валл.хтм

www.эксперт.ру.

www.анкил.ру.

www.унис.гов.уз.

www.УзРепорт.com.